

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
НАВОИЙ – КОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ
НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ
ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ

**Ж.Нуруллаев, М.Р.Хаитова,
Д.Джураева**

СИЁСАТШУНОСЛИК
фанидан услубий – кўргазмали
қўлланма

Навоий – 2007 йил

Тақризчилар:

ф.ф.н. доц. Р.Ражабов
т.ф.н. доц. Х.Раупов

Услубий қўлланма Навоий давлат кончилик институтининг илмий-услубий кенгашида
(__ май, 2007 йил № __ - сонли баённома) муҳокама қилиниб, чоп этишга тавсия этилган.

С Ў З Б О Ш И

Республикамизда «Таълим тўғрисида» ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши таълим-тарбия соҳасида ва ижтимоий маънавий ҳаётда муҳим ўзгаришларга олиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Миллий истиқлол ғояси концепциясида қандай мақсадлар ва қандай устувор ғояларга алоҳида аҳамият бериш кераклиги ҳақида фикр юритиб, «чунки жамиятимиз, мамлакатимиз ўз олдида қўйган эзгу муддао ва вазифаларни аниқ-равшан белгилаб олмасдан туриб, миллатимизнинг асрий анъана ва урф-одатларини, ўзлигимизнинг асосий хусусиятларини мужассам этадиган миллий мафқурани шакллантириш мумкин эмас» эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Бунинг учун, биз қандай давлат, қандай жамият, қандай тизим барпо қиляпмиз, унинг сиёсий, ижтимоий ва маънавий асослари нималардан иборат, деган саволга жавоб топишимиз керак бўлади. Маълумки, мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва тараққиёт сиёсатининг стратегик мақсади – ҳуқуқий демократик давлат ва бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат. У миллий истиқлол ғоясининг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдан иборат бўлган бош ғоясида ўз ифодасини топган.

Сиёсатшуносликни ўрганиш орқали мамлакатимизнинг сиёсий ва давлат қурилишининг ўзига хос хусусиятларини билиб олиш мумкин бўлади. Жамиятимиз ҳаётида рўй берган тубдан янгиланишлар «Сиёсатшунослик» фанидан ҳам янги дастур ва маъруза матнлари асосида ўқув қўлланмалари ва услубий қўлланмаларни яратишни долзарб вазифа қилиб қўйди. Тавсия этилаётган ушбу услубий қўлланма мамлакатимизда ва дунёнинг бошқа мамлакатларида сиёсий фанни ўқитиш тажрибасини ҳисобга олиб, буюк мутафаккирларнинг сиёсий қарашларига ва бугунги кун сиёсий фанида эришилган ютуқларга, миллий истиқлол ғояси тамойилларига таянган ҳолда ишлаб чиқилган. Услубий қўлланма олий ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган.

1 – МАВЗУ: Сиёсатшунослик фани. Сиёсатшунослик фанининг сиёсий фанлар тизимида тутган ўрни ва роли.

Режа:

- 1.Сиёсатшунослик фанининг предмети, мақсад ва вазифалари. Сиёсатшунослик фанининг асосий масаласи.
- 2.Сиёсатшунослик фанининг тадқиқ услуби, қонун ва категориялари.
- 3.Мустақиллик ва Ўзбекистонда сиёсатшунослик фани ролининг ошиб бориши.

СИЁСАТШУНОСЛИК ФАНИНИНГ АСОСИЙ КАТЕГОРИЯЛАРИ

I. Сиёсат – давлат ишларида иштирок этиш, давлатнинг йўналишини, фаолият мазмунини, шакли ва вазифаларини белгилашда иштирок этиш.

II. Сиёсий ҳокимият – муайян халқ, синф, гуруҳ, шахс ўзининг сиёсатда ифодаланган иродасини амалга ошириш имкониятидир.

III. Сиёсий тизим – давлат ҳокимияти ва давлат бошқарувини шакллантириш ҳамда амалда рўёбга чиқариш билан боғлиқ муносабатлар, ҳаракатлар, ташкилотлар тизимидир.

IV. Сиёсий ҳаёт – сиёсий ҳокимиятни жорий қилиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий ҳаётнинг бир қисми, соҳаси.

V. Сиёсий муносабатлар – ҳокимиятни қўлга олиш ва амалга ошириш соҳасида турли сиёсий ташкилотлар, ижтимоий гуруҳлар ҳамда шахслар орасидаги алоқалар.

VI. Сиёсий жараён – жамиятнинг сиёсий тизимини шакллантириш борасидаги ижтимоий субъектларнинг биргаликда амалга оширадиган фаолияти.

VII. Сиёсий институтлар – ижтимоий субъектлар ўртасидаги сиёсий муносабатларни тартибга солиб турувчи, муайян субъектларнинг манфаатларини кўзлаб иш кўрувчи давлат, ҳукукий, сиёсий, ижтимоий муассаса ва ташкилотлардир.

СИЁСАТШУНОСЛИКНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИЯТЛАРИ

1. Давлат ички сиёсий ҳаётида амал қиладиган қонуниятлар.

A) Ижтимоий-иқтисодий, маданий, тарбиявий масалаларни ҳал қилиш.

B) Жамият фаолиятини ривожлантириш, сиёсий ҳокимият механизмидан самарали фойдаланиш.

C) Ижтимоий ҳаётни демократлаштириш.

D) Мамлакат тақдирига дахлдор масалаларни референдум орқали ҳал этиш.

E) Иқтисодий тангликка олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларни бартараф қилишда сиёсий воситалардан фойдаланиш.

2. Халқаро муносабатларда амал қиладиган қонуниятлар.

A) Халқаро хавфсизлик ва ўзаро ишончни ривожлантириш.

B) Давлатлар ўртасида ҳамкорликни ташкил этиш ва ривожлантиришда сиёсат кучини ҳисобга олиш.

C) Халқаро зиддиятларни бартараф этишда сиёсий воситалардан фойдаланиш.

D) Умумбашарий муаммоларни ҳал қилишда сиёсий йўллارни ишлаб чиқиш.

E) Сиёсий ҳокимиятлар, сиёсий партиялар, ташкилотлар ва ҳаракатлар ўртасидаги сиёсий ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда ривожлантириш.

СИЁСАТШУНОСЛИК ФАН СИФАТИДА

Жамият сиёсий тизими шаклланиши, унинг амал қилиши ва ривожланиши шахс, ижтимоий гуруҳлар, халқлар ва давлатларнинг ўзаро фаолиятларини ҳаракатга келтирувчи қонуниятларни ўрганади.

ВАЗИФАСИ

1. Сиёсий ҳодисаларни билиш.
2. Сиёсий тузумни муассасаларни, хулқ-атвори, воқеаларни баҳолаш.
3. Аҳолининг сиёсий маданиятини шакллантириш.
4. Сиёсий хулқ-атвори тартибга солиш.
5. Сиёсий ҳаётни мукаммаллаштириш.
6. Башорат қилиш

СИЁСАТШУНОСЛИК ФАНИНИНГ УСЛУБЛАРИ

I. Диалектик усул – бу жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида бўладиган ўзгаришларни умумий алоқадорлик ва ўзаро таъсир этиш натижаларига асосланган ҳолда таҳлил қилади.

II. Қиёсий таққослаш – бу сиёсий жараёнларда рўй берадиган воқеа ҳодисаларни, ўзаро таққослаш, уларни бир бирига солиштириш асосида илмий хулосалар қилишни назарда тутди.

III. Эмпирик-социологик – бу сўров, варақалаштириш, тажриба ўтказиш, статистик таҳлил қилиш, математик моделлаштириш асосида жамоатчилик фикрини ўрганади, маълумотлар тўплайди ва сиёсий жараёнларни илмий таҳлил қилишни кўзда тутди.

СИЁСАТНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ
ЖТИМОИЙ СИЁСАТ
МИЛЛИЙ СИЁСАТ
ДЕМОКРАТИК СИЁСАТ
АГРАР СИЁСАТ
ТЕХНИКАВИЙ СИЁСАТ

ЭКОЛОГИК СИЁСАТ
МАДАНИЙ СИЁСАТ
КАДРЛАР СИЁСАТИ
ҲАРБИЙ СИЁСАТ
ГЕОПОЛИТИК СИЁСАТ

СОЦИАЛ БИРЛИКЛАР СТРУКТУРАСИ



СИЁСАТШУНОСЛИКНИНГ БОШҚА ИЖТИМОЙ

ФАНЛАР БИЛАН АЛОҚАСИ



Таянч тушунчалар:

Сиёсий ҳаёт, сиёсий фан, фаннинг предмети, қонуниятлари, категориялари, сиёсатишунослик услублари, сиёсий таҳлил услуби, мустақиллик.

Сиёсий фанлар - Сиёсатшунослик, сиёсий фалсафа, сиёсий иқтисод, халқаро муносабатларнинг сиёсий назарияси, геосиёсат, сиёсий тарих, сиёсий этика, сиёсий антропология ва бошқа соҳалар.

Сиёсатшунослик фанининг услублари - диалектика, тизимлилик, тузилмавий- функционал, ҳуқ- атвор, конкрет- тарихийлик, социологик, норматив, институционал, субстанционал(онтологик).

Сиёсатшуносликнинг тушунчалари - сиёсат, сиёсий ҳокимият, сиёсий жараёнлар, сиёсий ҳаёт, сиёсий муносабат, сиёсий фаолият, сиёсий партиялар, сиёсий ташкилотлар, сиёсий институтлар, сиёсий тизим, сиёсий онг ва маданият, сиёсий қадриятлар, халқаро сиёсий муносабатлар.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.- Т.: «Ўзбекистон», 2003.
2. Каримов И. А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч қудратимизга, халқимизнинг ҳамжихатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004.

3. Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т.: «Ўзбекистон», 2005.
4. И. А. Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. –Т.: «Ўзбекистон», 2005.
5. И. А. Каримов. Қонун ва адолат устивор фаолиятимиз мезони бўлсин. Халқ сўзи, 2004 йил, 2 июн.
6. Каримов И. А. Халқ ишончини оқлаш - юксак маъсулият. Халқ сўзи, 2005 йил, 23 август
7. Отамуротов С, Эргашев И, Акрамов Ш, Сиёсатшунослик.- Т.: «Ўзбекистон», 1999.
8. Сиёсатшунослик. Маърузалар матни. (муаллифлар жамоаси)- Т., 2000.
9. Дубков В. Политология. Учебное пособие. 2004.

2 – МАВЗУ: Сиёсий қарашлар ва таълимотлар вужудга келиши, уларнинг ривожланиши.

Режа:

- 1.Сиёсий қарашлар ва таълимотлар сақланишининг асосий сабаблари. Сиёсий қарашларнинг инсоният цивилизациясида тутган ўрни.
- 2.Қадимги Хитой, Юнон, Рим мутафаккирларининг сиёсий қарашлари ва улар таълимотларининг сиёсатшунослик фанининг мустақил фан сифатида шаклланишидаги ўрни.
- 3.Европа, Америка мутафаккирлари таълимотида давлат ва фуқаролик жамияти назарияси.

АФЛОТУННИНГ ДАВЛАТ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Давлатдан юқори турадиган олий давлат – идеал давлат.	Ҳақиқий мавжуд давлат типлари: Монархия ва аристократия	Аристократик давлатнинг зарур шарти – қуллар меҳнатидир.	Аристократик давлатнинг ижтимоий тузилиши: 1. Давлатни файласуфлар бошқаради. 2. Уни аскарлар қўриқлайди. 3. Эркин фуқаролардан пастда ҳунармандлар туради.
--	--	---	---

МАКС ВЕБЕРНИНГ СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИ (1869 – 1920)

Вебер сиёсий тадқиқотларида ақлга мувофиқлик ғоясига амал қилди. Ақлга мувофиқлик – сиёсатда формал ҳуқуқ институтларининг жорий этилишида. Парламентаризм ва ҳозирги замон маъмуриятчилигида намоён бўлади.	Ижтимоий тузум масаласида синфий тафовутлар ва ҳолатларнинг кўп ўлчамлиги концепциясини илгари суради; Ҳокимиятга муносабати, алоҳида гуруҳларнинг имтиёзи кишиларнинг диний ва мафкуравий белгиларига қараб бўлиниши ва ҳ.к.	Расмий раҳбарлар ва сиёсий партиялар ўртасидаги кураш ҳозирги замон давлатининг сиёсий ҳаётидаги асосий ихтилофдир.	Вебер социалистик-ижтимоий муносабатларнинг ғалаба қилиниши мумкинлигини инкор қилади ва бюрократиянинг қудратлилиги тўғрисидаги фикрини илгари суради.	Сиёсий ҳокимиятни 3 турга бўлади: - Легал, очиқ ҳукмронлик - Анъанавий ҳукмронлик - Харизматик ҳукмронлик
---	--	--	--	---

НИКОЛА МАКИАВЕЛЛИНИНГ СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИ

Макиавеллининг сиёсий идеали Рим республикаси; Республика -бошқаришнинг яхши шаклидирки, унда давлат тақдири учун ҳар кимни масъулиятли қилиб қўяди.	Давлат кишилик руҳининг олий даражада намоён бўлишидир. Давлатга хизмат қилиш – инсон ҳаётининг мақсади, мазмуни ва бахтидир.	Макиавелли католик черкови таъсири остида тушкунликка учраган ҳозирги Италияда қадимги Римнинг улуғворлигини қарама-қарши қилиб қўяди.	Макиавелли ўзаро урушлардан ҳоли халқ ғалаёнларни бостира оладиган кучли миллий давлат тузишни ёқлаб чиқади.
---	---	--	--

АРАСТУНИНГ СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИ

Арасту аристократик давлат тарафдори эди.	Аристократик давлатнинг вазифаси: “Бахтли ва гўзал ҳаётни қуриш”, фуқароларни ахлоқий яхши кишилар қилиб тарбиялашдир.	Ижтимоий функциялар ёшга қараб бўлинади: 1. Ёшликда идеал давлат кишилари ҳарбий ишларни бажаради. 2. Кексаликда сиёсий ишларни бажаради. Маслаҳатлар беради. 3. Жисмоний меҳнат ва савдо қулларнинг улушидир. 4. Эркин фуқароларнинг фарқи – хизмат: Хизмат – бахтга эришиш учун зарур эстетик ёки ақлий фаолиятдир.	Қуллик табиатининг ўзида мавжуд, “Қул – хўжайин”, “Хотин – эр” каби давлат тузилишининг муҳим қисмидир.	Арасту ўрта табақани ёқлаб чиқди ва “Олтин ўрта” назариясини яратди. Унга биноан бойлар ва камбағаллар ўрта табақа етакчилигида бартараф қилинади.
---	--	---	---	--

УЙҒОНИШ ДАВРИДАГИ МАЪРИФАТПАРВАРЛАРНИНГ СИЁСИЙ ФИКРЛАРИ

Сиёсат ҳақидаги фанни илоҳиётдан ажратиш, давлатнинг келиб чиқишини табиий тараққиёт маҳсули эканлиги ҳақидаги ғояларни асослаш. Давлат ҳақидаги тизимлаштирилган таълимотнинг яратилиши, “давлат” тушунчасининг киритилиши. Абсолютизмдан республикагача бўлган буржуа давлати шакллари асосланиши. Буржуа сиёсий-ҳуқуқий фикрининг яратилиши. Фуқаролик жамияти ҳақидиги таълимотнинг шаклланиши, ижтимоий шартнома назарияси, ҳокимиятнинг бўлиниши тамойиллари. Утопик социализмнинг – XVI аср ва танқидий социализмнинг – XVII-XVIII асрларда вужудга келиши.

Тафаккур, билимларнинг жамият тараққиётидаги ролининг асосланиши.
Гуманизм, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ғояларининг эълон қилиниши.
Сиёсий бошқарув шакллари алмашинуви қонунини ва ижтимоий курашларни сиёсий ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучлари деб тан оилиниши.

ЯНГИ ВА ЭНГ ЯНГИ ДАВРДАГИ СИЁСИЙ ҚАРАШЛАР

**Бу
даврда
либерализм,
консерватизм,
анархизм ва бош
қалар шаклланган.**

XVIII аср охири – XIX аср бошларидаги Германиядаги “фалсафий революция”: Кант, Фихте, Шеллинг, Гегелнинг сиёсий таълимоти: фуқаролик жамияти, давлат, уч ҳокимият, жаҳон руҳи.

Танқидий утопик социализм: Сен-Симон, Фурье, Оуэн. Капитализмнинг кескин танқид қилиниши, хусусий мулкнинг инкор этилиши ва унинг ўрнига ижтимоий мулкнинг маъқулланиши. Меҳнат – биринчи эҳтиёж, шахснинг ривожланиши, революциянинг инкор этилиши.

Революцион-демократик утопик социализм: Чернышевский, Герцен, Белинский, Добролюбов. Жамиятни революция йўли билан янгилаш, халқ кучига ишонч, рус деҳқон жамоаси базасида – социализм.

Марксизм-ленинизм: К.Маркс, Ф.Энгельс, В.Ленин. Капитализм ҳалокати ва коммунистик жамият қурилишининг тарихан муқаррарлиги. Социализм, социал, социалистик революция назарияси. Жаҳон революцияси жараёни. Социализм қуриш йўллари.

ҚАДИМГИ ДУНЁДА СИЁСИЙ ФИКРЛАРНИНГ ТУҒИЛИШИ

СИЁСИЙ ФИКРЛАР

Мавжуд ҳокимият ва тартиблар ҳақидаги илоҳий ғояларнинг вужудга келиши (Қадимги Миср, Хитой, Ҳиндистон, Бобил, Исроил, Эрон, Юнонистон, Рим).
Сиёсий-ҳуқуқий қарашларнинг рационал тарзда тартибга солиниши (Мил.ав. I минг йиллик).
Юнонистондаги сиёсий-ҳуқуқий қарашлар.
Сиёсий фалсафанинг вужудга келиши (Афлотун. Мил.ав. V-IV асрлар).
Идеал давлат назарияси.
Давлат тузуми шакллариининг назарий жиҳатдан асосланиши, аристократия, тимократия, олигархия, демократия, тирания.
Одамларни бошқаришнинг шохлик санъати ҳақидаги таълимот.
Сиёсатга мустақил фан сифатида қаралиши (Арасту. Мил.ав. IV аср).
Сиёсий адолат тушунчасининг киритилиши.
Давлатнинг табиий таракқиёт махсули сифатида тан олиниши.
Индивидга нисбатан давлатнинг бирламчилиги, давлат манфаатларининг устиворлиги ҳақидаги тушунчалар.
Сиёсатни илмий таҳлил қилиш усуллариининг яратилиши: мураккабни бўлакларга бўлиб ўрганиш, тарихий таққослаш.

СИЁСИЙ ФИКРЛАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

Қадимги дунё


Конфуций, Будда, Зардушт, Неремия, Пифагор, Демокрит, Платон, Аристотель

Ўрта асрлар

А.Августин, Ф.Аквинский, М.Люгер. Русдаги дастлабки адабий ёдгорликлар.

Уйғониш даври

Н.Макиавелли, Т.Мор, Т.Кампанелла (XVI- XVII аср), Т.Гоббс, Д.Уинстенли, Д.Локк (XVII аср)



Таянч иборалар:

Диний қарашлар, юридик қарашлар, сиёсий - социологик қарашлар, цивилизация, Ф. Аквинский, Цицерон, Т. Гоббс, Лукреций, Арасту, Конфуций, Афлотун, Н. Макиавелли, Т. Гоббс, Г. Спенсер, Т. Жефферсон.

Ф. Аквинский(1225-1274 й. й.)- Ф. Аквинскийнинг сиёсий қарашлари ўрта асрда диний анъаналардаги сиёсий қарашларнинг энг чўққиси ҳисобланган. У ҳокимиятни талқин этишнинг илоҳий назариясини ифодалаб, уч элементнинг бир - бирдан фарқини кўрсатади: моҳият, шакл ва фойдаланиш.

Конфуций- Кун –Фу- Цзи (эрамиздан аввалги тахминан 551- 479 йиллар) Хитой конфуцийлик назариясининг асосчисидир, мазкур назария зурриёти аристократлар бўлган оксуякларнинг манфаатини ифода этади ҳамда ижтимоий тартибларни ўзгармасдир деб талқин этади, шунингдек у одамларни қуйи ва олий табақага бўлиб, уни адолатнинг ялпи қонуни деб эълон қилган. Ҳоқоннинг ҳокимияти муқаддас бўлиб, уни тангри таоло инъом этган. Мамлакатни бошқариш санъати - халқнинг ҳокимият намоёндаларига яқинлашувидадир, - дейди. Конфуцийнинг фикрича, ҳокимият халқнинг хавфсизлигини, унинг моддий фаровонлигини таъминлайди. Мазкур ҳокимиятни халқ қўллаб - қувватлаши керак.

Арасту (Аристотель)- (милоддан аввал 384-322 йиллар) қадимги Юнон фалсафаси ва фани тараққиётида янги давр яратиб, унга катта ҳисса қўшган мутафаккир олим. Ўзининг «Сиёсат», «Этика», «Риторика» каби асарларида индивидларнинг сиёсий ҳаёти полисда (шаҳар - давлат) мужассамлашади, - деган фикрни илгари суради. Унда инсон сиёсий мавжудот сифатида намоён бўлади. Арасту инсонга адолат ва адолатсизликнинг фарқини англайдиган ягона мавжудот сифатида қарайди. Давлатнинг асосий мақсади ҳам фуқароларга фаровонлик улашишдир, - дейди.

Н. Макиавелли (1469- 15270)- ижтимоий тараққиётнинг объектив қонуниятлари тўғрисидаги ғояга (буни у фортуна деб атаган) яқинлашиб келди. Унинг фикрича, инсон ана шу қонуниятларни билиб олиши ҳамда уларни ўз фойдаси учун йўналтириши мумкин. Макиавеллининг фикрича, тараққиёт эрксизликдан эрка қараб, зўравонликдан инсонпарварлика қараб йўналган бўлади. У ўзининг сиёсий қарашларида «мақсад

воситани оқлайди», деган тамойилга асосланади, ягона мақсад борки, бу мақсад ноахлоқий воситани, яъни давлатнинг яратилиши ва уни сақлаб қолишни оқлайди,- деб кўрсатади.

Т. Гоббс(1588- 1679)- механистик материализм тизимининг асосчиси. Биринчи бўлиб жамиятнинг икки ҳолатини, яъни табиий ва фуқаролик ҳолатини фарқ қилиш лозим деган фикрга келди. Унинг фикрича, давлат қабоҳатдир. Лекин давлат «ижтимоий шартнома» сифатида зарурдир, чунки у жамиятда тинчликни таъминлайди. Гоббс мутлақ монархияни давлатнинг энг мукамал шакли деб билди, чунки бундай давлат ўша вақтларда аристократия билан буржуазия ўртасидаги муроаи мадоранинг сиёсий шакли эди.

Ш. Л. Монтескье (1689- 1755)- инсон камолотини объектив борлиқ сифатида таҳлил этишга яқинлашди, тинчликни одамнинг биринчи навбатдаги табиий ҳукуқи деб билди ва қонунлар давлатнинг турини белгилайди,- деб ҳисоблади (республика, монархия), фақат хатти - ҳаракатгина жазоланиши керак, акс ҳолда озодликнинг кафолати йўқолади,- деб таъкидлади. Монтескье ҳокимиятнинг бўлиниш қоидаларини асослади ва ишлаб чиқди.

М. Вебер (1864- 1920)- рационализм ғоясини илгари сурган, мазкур ғоя буржуазия давлати ва жамияти ҳаётида руёбга чиқарилди. Олим жамиятни кўп қиррали тизим деб баҳолади, мазкур тизимда синфлар ва мулкка тегишли муносабатлар билан бир қаторда ижтимоий мақом ва ҳокимият муҳим ўрин эгаллайди. Мутафаккирнинг фикрича, давлат мажбур этиш, одамлар устидан одамларнинг ҳукмронлиги усулларида қонуний (легитим) фойдаланиш ҳукуқини эгаллаб олган ташкилотдир.

У.Ростоу (1916 йил)- саноатлашган жамият назариясининг замонавий усулига асос солган америкалик олим, бу жамият капитализм таракқиётининг юқорирок поғонасидир. Шу поғонада ушбу жамиятда конвергенция содир бўлади, ва сифат жиҳатдан янги тузилма пайдо бўлади. Олим «иктисодий ишлар» концепциясининг муаллифи ҳамдир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.- Т.: «Ўзбекистон», 2003.
2. Каримов И. А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004.
3. Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.-Т.: «Ўзбекистон», 2005.
4. И. А. Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. –Т.: «Ўзбекистон», 2005.
5. И. А. Каримов. Қонун ва адолат устивор фаолиятимиз мезони бўлсин. Халқ сўзи, 2004 йил, 2 июн.
6. Каримов И. А. Халқ ишончини оқлаш- юксак маъсулият. Халқ сўзи, 2005 йил, 23 август.
7. Отамуротов С, Эргашев И, Акрамов Ш, Сиёсатшунослик.- Т.: «Ўзбекистон», 1999.
8. Сиёсатшунослик. Маърузалар матни. (муаллифлар жамоаси)- Т., 2000.
9. Дубков В. Политология. Учебное пособие. 2004.
10. Аристотель. Политика. Соч. в 4- томах- М.: «Политика», 1993.
11. Конфуций. Уроки мудрости.- М.: «Наука», 1998.
12. Исаев И. В, Золотухина Н. История политических и правовых учений России Х!-XX в.в.-М.: «Юрист», 1995.
13. Гегель Философия права.- М.: «Мысль», 1997.
14. История политических и правовых учений: Учебник для вузов./ Под общей редакцией В. С. Наресянца.- М.: Издательская группа ИНФРА*М – КОДЕКС, 1995.

15. Алимасов В. Конфуций. Маърифат газетаси, 2005йил, 19 октябрь.
 16. Макиавелли Н. «Хукмдор», «Жаҳон адабиёти» журнали. 2002, сентябр, 105-148 б.

3 – МАВЗУ: Марказий Осиёда сиёсий фикр ва ғояларнинг вужудга келиши ва ривожланиши.

Режа:

1. Жаҳон маънавий маданияти тарихида Шарқ мутафаккирлари яратган таълимотларнинг тутган ўрни. Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий—Низомулмулк.
2. Амир Темур ва темурийлар даврида сиёсий фикр ва сиёсий ғоялар.
3. XIX аср охири XX аср бошларида Шарқдаги сиёсий ғоялар. Жадидчилик ғоялари.

БЕРУНИЙНИНГ СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИ

Беруний давлатнинг пайдо бўлиши ва вазифаларини моддий эҳтиёждан деб билади.	У давлатни бошқариш масаласида маърифатпарвар шоҳ тарафдори эди.	Берунийнинг фикрича жамоа бўлиб яшашнинг асосий қоидалари инсонларга далилдир.
--	--	--

Хукмдор яхши тadbир ва яхши сиёсатдан бўлак нарсага ҳасад қилмаслик керак.

Бошқариш ва раҳбарликнинг моҳияти – бошқарилувчиларнинг тинчлиги учун ўз тинчлигидан воз кечишдир.

ФАРОБИЙНИНГ ИДЕАЛ ЖАМИЯТИ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Фаробий жамоани катта кичиклигига қараб 3 турга бўлади: Буюк жамоа – дунёдаги барча халқларнинг бирлашуви. Ўрта жамоа – бир халқ ёки миллатни бирлаштирувчи жамоа. Кичик жамоа – алоҳида бир шаҳар давлатни бирлаштирувчи жамоа.	Шаҳар давлатлари мазмунига кўра 2 турга бўлинади: - Ал-Мадина ал-Фозила (Фозиллар шаҳри аҳолисининг асосий вазифаси – тинчликни таъминлаш, адолатни ҳимоя қилиш, одил судловни ўрнатиш асосида бахт-саодатга эришиш.) - Ал-Мадина ал-Жоҳила (Жоҳиллар шаҳри аҳолисининг вазифаси эса унинг аксидир.)	Жоҳиллар шаҳри қуйидагича тавсифланади: - Зарурий эҳтиёжлар шаҳри - Айирбошловчилар шаҳри - Разолат ва бадбахтлик шаҳри - Обрўпарастлик шаҳри - Амалпарастлар, ҳокимиятпарастлар шаҳри - Шаҳватпарастлар шаҳри - Беномуслар шаҳри - Беқарорлар шаҳри
--	---	---

ФАРОБИЙНИНГ “ОДИЛ ШОХ” ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТИ

Фаробий фозиллар шахри ҳокими олдида 12 та талабни қўяди:

1. Соғлик
2. Фаросатлилик
3. Кучли хотира эгаси бўлиш
4. Зукколик
5. Нотиклик
6. Маърифатпарварлик
7. Қаноатлилик
8. Ҳақиқатгўйлилик
9. Олижаноблик
10. Молпараст бўлмаслик
11. Адолатпарварлик
12. Мардлик

Фаробий ҳокимиятда ворисликни эътироф этди ва кейинги раҳбарда яна 6 та талаб ҳосил қилишни зарур деб билади:

1. Донишмандлик
2. Қувваи ҳофизага эга бўлиш
3. Ижод-ихтиро қувватига эга бўлиш
4. Башоратгўйлик ХИслатига эга бўлиш
5. Қизгин сўзлашиш-нотиклик ҳислатига эга бўлиш
6. Етарли жисмоний қувватга эга бўлиш, ҳарбий санъатни яхши билиш

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИ ВА УНИНГ ТУЗИЛИШИ

**Давлатнинг ижтимоий асосини
12 тоифага бўлган:**

1. Саййидлар, фозил кишилар
2. Ишбилармонлар
3. Художўй, таркидунё
қилганлар
4. Ҳарбийлар
5. Сипоҳ ва раият
6. Махсус ишончли кишилар
7. вазирлар

**Давлатни 7 вазир
бошқарган:**

1. Бош Вазир
2. Вазири сипоҳ
3. Эгасиз мулкни
бўлиш вазири
4. Молия ишлари
вазири
5. Чегараларни
назорат қилувчи

**Давлат
тақдирини 3
нарсга ҳал
қилган:**

1. Подшо
2. Ҳазина
3. Аскар,
ҳарбий
бошлиқлар, ўн
боши, юз

**Темур
армияси:**

1. Ўн
2. Юз
3. Минг
4. Туман




Темур
давлати
марказий
қукумат ва
мустақил 4
улусдан
иборат
бўлган.

Темур “Куч –
адолатдадир”
деган шиорга амал
қилган ва 12 тузук
асосида
салтанатни
бошқарган.

8. Ҳақим, табиб, мунажжим ва мухандислар
 9. Ҳадисшунослар
 10. Аҳли ҳунар ва санъаткорлар
 11. Суворийлар
 12. Савдогар ва сайёҳлар

вазир
 6. Сарҳад назоратчиси
 7. Сарҳад назоратчиси

боши, минг боши



МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙНИНГ СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИ

Беҳбудий мустақил миллий (исломий) давлат қуриш тарафдори эди. Бу давлат маърифатпарварлик ғоясига асосланади.

Беҳбудий Россиядаги Конституцион демократик (кадетлар) партиясини қўллаб-қувватлади ва шундай тусдаги мусулмон партиясини тузиш ишига жуда кучли ҳавас билан қаради.

Туркистон жадиदларининг отаси Беҳбудий 1917 йилнинг март ойида ташкил топган “Шўрои ислом” ташкилотининг асосчиларидан бири бўлди.

Мустақилликнинг асосий шарти миллий бирликдир деб барча Туркистон мусулмонларини бирликка чорлади. “Ҳақ олинур, берилмас”. Беҳбудий Туркистон мустақиллиги йўлида қурбон бўлган ёрқин сиймолардан биридир.

ЗАРДУШТИЙЛИКНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАЪЛИМОТИ

Зардуштийлик эволюцияси 3 босқичга бўлинади:
 1. Яшта – унда синфий жамиятгача бўлган қабилалар эътиқодлари ўз аксини топган.
 2. Гата – унда ягона худо Ахурамазда ҳақида ҳикоя қилинади.
 3. Мазда – унда кўп ва ягона худоилик ўртасидаги қураш натижасида муросасизлик характеридаги эътиқод вужудга келади.

Зардуштийликнинг сиёсий концепцияси шундан иборатки, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги қурашда худо Ахурамазда ғолиб чиқиб, бахтли ҳаёт салтанати вужудга келади, ўлганлар тирилади, гуноҳкорлар жазоланади.

Суд жазоси ўзининг шафқатсизлиги билан ажралиб туради. Жазо воситаси сифатида ўт ва қиздирилган темирдан фойдаланилган. Айбдорларга қамчи билан уришдан тортиб, ўлим жазосигача қўллаганлар.

Худолар Ахурамазда ва Ахриман ўртасидаги қурашда одамлар ҳам иштирок этишган. Одамларда ақл фаросат бўлганлиги учун улар яхшилик худоси Ахурамаздани қўллаб қувватлаганлар.

ИБН СИНОНИНГ СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИ

Ибн Сино фикрича идеал давлат тепасида маърифатпар- вар шоҳ туриши керак.	Идеал жамият аҳолиси 3 табақага бўлинади: 1. Маъмурий ишлар билан шуғулланувчилар 2. Ишлаб чиқарувчилар 3. Ҳарбийлар	Ибн Сино жамиятдаги моддий тенгсизликни эътироф этиб, одамларнинг ҳаммалари бойиб кетишига ва аксинча камбағаллашиб кетишларига қарши чиқади.	Жамият аъзоларининг барчаси фойдали меҳнат билан шуғулланишлари зарур.	Давлат илм-фан асосида тинчлик билан адолатли бошқарилиши керак
---	--	---	--	---

НАВОИЙНИНГ ЮКСАК ЖАМИЯТ “ОДИЛ ШОҲ” ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТИ

Навоий марказлашган давлат тарафдори эди. Аммо у: 1.Мутлақ ҳуқуқларга эга эмас 2.Кенгаш билан давлатни бошқаради 3.Олимлар фикрига таянади	Навоий фикрича, “Одил шоҳ” кўзгу ва “Ёвуз шоҳ”нинг орқасидир. “Ул ёруғ субҳ ва бу қоронғу кечасидир” (Махбубул қулуб)	“Одил шоҳ” олдига қўйилган талаблар: 1. Ўзингга раво кўрмаган нарсаларни халқингга ҳам раво кўрма. 2. Ўз қўшнилариңгни қийнама, уларни қашшоқ ҳолга ташлама. 3. Халқни қийнама, акси бўлса, шарафли номинг булғанади. 4. Халқингни талама, уни мулкдан бегона қилма. 5. Қалбинг тоза бўлсин. 6. Адолатли бўл. 7. Ҳимматли, олижаноб бўлгин. 8. “Мақсадга мувофиқ” урушларни амалга оширишдан тўхтама. 9. “Одил”, “Халоскор” худодан нажот тила. 10. Ҳақиқатгўй бўл. 11. Халқларвар бўл.
--	---	---

Таянч тушунчалар:

«Авесто», Зардуштийлик, Шарқда Уйғониш даври, Фарғоний, Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Низомулмулк, Амир Темур, теуурийлар даври, Улуғбек, Алишер Навоий, Махатма Ганди, жади́дчилик, М. Беҳбудий, А. Авлоний, Чўлпон, Фитрат.

Авесто - Авестонинг Муқаддас китобларида қадимий илмий фалсафанинг асослари - тупрок, сув, ҳаво, олов муқаддаслаштирилади. Тупрок, сув, ҳавони булғаш, ифлослантириш энг оғир гуноҳлар қаторига қўшилади, ҳатто марҳумлар ерни, сувни, ҳавони заҳарлаб қўймасликлари учун уларнинг мурдаларини махсус сопол идишларда сақлаш расм бўлган.

Зардуштийлик - Зардуштийлик қадимги дин бўлиб, афсонавий пайғамбар Зардушт унинг асосчиси. Зардушт 40 ёшга етганда илгариги кўпхудолик диний тасаввурларига ҳамда табиат ҳодисаларига, жумладан оловга сиғиниш эътиқодларига қарши чиқиб, яккахудочиликка асосланган, зардуштийлик динининг пайғамбари сифатида эътироф этилган тарихий шахсдир. Бу дин асосида бир-бири билан доимо курашувчи яхшилик билан ёмонлик ётади.

Абу Наср Форобий (873-950)- Марказий Осиёлик машҳур файласуф, қомусий олим, «Шарқ Арастуси» номини олган мутаффакир. Сиёсий фикрлари «Китоб - ас-сиёсат ал-мадания», яъни «Шаҳарлар устидан сиёсат юргизиш» ҳамда «Фозил одамлар шахри» асарларида баён этилган. Форобийнинг адолатли жамиятга эришиш йўллари, « фозил шаҳар ҳокимининг фазилатлари» тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, кадрларни танлаш ва жойига қўйиш билан боғлиқ ғоялари бугунги кунда ҳам муҳим ўрин тутди.

Абу Али ибн Сино(980- 1037)- жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган машҳур қомусий олим. Ибн Синонинг сиёсий қарашларида давлат муҳим ўрин тутди. Унинг фикрича, идеал давлат маърифатпарвар шоҳ томонидан бошқарилиши керак.

Низомулмулк(1018- 1092) – Шарқ тарихи ва маданиятида ўзининг «Сиёсатнома» (Сияр - ул- мулк) асари билан ўчмас из қолдирган. Асарда у давлат бошқарувиға тегишли қоида ва қонунлар, усул ва воситалар, қози ва қозихона ишлари, қўшин ва сарбозлар, хизматчи ва шахсий сарбозлар, почта ва разведка ишлари, элчиларға муносабат, шоҳ ишлари, шахсий соқчилари тўғрисида маълумот ва маслаҳатлар берилган. Давлатда марказий ҳукумат (ижро ҳокимияти) кучли бўлса, шунда давлатда тинчлик ва адолат барқарор бўлади, раият ўз мақсадига ета олади, жамият сулҳ ва адолатда, муруватда яшайди, деб кўрсатади.

Амир Темур(1336-1405)- ўзининг сиёсий қарашларини «Темур тузуклари» асарида баён этган. Асарда давлат, унинг амал қиладиган тамойиллари, меъёрлари, муносабатлари, уни барпо этиш, мустаҳкамлаш кенгаш орқали амалга оширилиши ўз ифодасини топган. Амир Темур зукко, тажрибали сиёсатдон ва давлат арбоби сифатида давлатнинг марказий аппарати ва ҳокимиятнинг қандай, қайси ижтимоий тоифаларға таянишини, уларнинг манфаатларини уйғунлаштириш, мансабдор шахсларнинг бурч ва вазифаларини белгилаб берар экан, жамиятни маълум ижтимоий - сиёсий гуруҳларға таянган ҳолда бошқариш лозимлигини таъкидлаш билан уларнинг манфаатларини бошқа гуруҳлар манфаати билан бирға ҳисобға олиш зарурлиги тўғрисида ҳам муҳим фикр билдиради. Давлатни идора этишда вазирлар, амирлар ва ноибларнинг ролиға алоҳида эътибор бериб, ахлоқий пок, адолатпеша, тинчликсевар ва ташаббускорларни кадрлаган.

Алишер Навоий(1441- 1501)- сиёсий ғояларини «Садди Искандарий» достонида асослаб берган ва унда ижтимоий адолатли тузум ғоясини адолатли шоҳ тимсолида баён қилган. У турли халқлар, ижтимоий гуруҳлар ва табақалар ўртасидаги оқилона, маърифатға асосланган муносабатлар ижтимоий барқарорликка олиб келишини эътироф этган. Навоий сиёсий қарашларида кўпроқ адолатли қонунларға асосланган маърифатли шоҳ ҳокимиятини орзу қилган.

Жадидчилик - Туркистон ўлкасида XIX аср охири ва XX аср бошларида пайдо бўлган маърифатпарварлик ҳаракатининг кўриниши бўлиб, унинг асосчиси ёзувчи ва публицист Исмоилбек Гаспирали(1851-1914) эди. Жадидлар Туркистонда XIX асрнинг охирида пайдо бўлган илғор усулларни ёқлаган маърифатпарварларғагина бўлиб қолмасдан, айнаи чоғда, туркий исломий ҳуқуқий мероснинг миллат ичида кенг ёйилиши, ҳурфикрлилик, тараққиёт ва миллий истиқлол учун ҳам курашни мақсад қилиб қўйган эди. Ўзбек хонликларининг Россия томонидан босиб олиниши, қолоқлик ва жаҳолат, ўлка аҳолисининг аянчли аҳволи муқаддас динимиз оёқ ости қилиниши ва топталиши уларни бу муқаддас курашға чорлаган эди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: «Ўзбекистон», 2003.
2. Каримов И. А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч қудратимизга, халқимизнинг ҳамжихатлиги ва буқилмас иродасига боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004.
3. Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. - Т.: «Ўзбекистон», 2005.
4. И. А. Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. - Т.: «Ўзбекистон», 2005.
5. И. А. Каримов. Қонун ва адолат устивор фаолиятимиз мезони бўлсин. Халқ сўзи, 2004 йил, 2 июн.
6. Каримов И. А. Халқ ишончини оқлаш- юксак маъсулият. Халқ сўзи, 2005 йил, 23 август.
7. Отамуротов С., Эргашев И., Акрамов Ш., Сиёсатшунослик. - Т.: «Ўзбекистон», 1999.
8. Дубков В. Политология. Учебное пособие. 2004.
9. Мирзо Улугбек. Турт улус тарихи. - Т. «Мерос», 1996.
10. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. - Т.: Абдулла Қодирий нашриёти, 1993.
11. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т. «Шарқ», 1994.
12. Қосимов Б. Миллий уйғониш. Т.: «Маънавият», 2002.

4 – МАВЗУ: Сиёсат ва сиёсий жараёнлар.

Режа.

1. Сиёсий жараёнлар тушунчаси.
2. Сиёсий жараёнлар мавжудлиги тартиблари, сиёсий жараён турлари.
3. Сиёсий қарорларни қабул қилиш жараёни, сиёсий иштирок.
4. Ўзбекистондаги сиёсий жараёнларнинг ўзига хослиги.

СИЁСАТ

Давлатни бошқариш санъати

Сиёсат юнонча “полис” (шаҳар-давлат) сўзидан олиган бўлиб, давлат мамлакат жамоатчилиқ ишлари билан бевосита шуғулланиш жараёнларини англатади.

Сиёсат – бу сиёсий ҳаёт мазмуни, сиёсий муносабатлар йўналиши, сиёсий жараёнлар оқими тўлқинларида амалий фаолият олиб борадиган сиёсий ҳокимиятнинг намоён бўлиш воситасидир.



СИЁСИЙ ЭКСТРЕМИЗМ



Ҳокимият доирасидаги ижтимоий
гуруҳлар ўзаро муносабатлари

Ҳокимият тизимларига ижтимоий
гуруҳлар муносабатлари

Ҳокимият тизимларининг бир-
бирига муносабатлари

Сиёсий тизим


Сиёсий муассасалар

Сиёсий муносабатлар

Сиёсий қоидалар ва меъёрлар

Сиёсий онг ва сиёсий маданият

ЖАМИЯТНИНГ СОЦИАЛ СТРУКТУРАСИ



Таянч тушунчалар:

Сиёсий жараён, сиёсий жараён турлари, сиёсий иштирок, сиёсий қарор, сиёсий жараён таркиби, сиёсий муносабатлар, сиёсий жараён субъектлари, сиёсий хулқ, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш вазифалари.

Сиёсий жараён – сиёсий тизим фаолиятининг шаклидир. У сиёсий тизимнинг шаклланиш, амал қилиш, янгиланиш ҳолатларини, унинг барча таркибий қисмлари алоқалари, ўзаро таъсирини жараён сифатида ўрганиш, аниқ ва яхлит тасаввур қилиш имконини беради. «Сиёсий жараён» тушунчаси демократик жамиятлардаги ривожланиш хусусиятларини акс эттиради.

«Сиёсий жараён» тушунчасини сиёсий муносабатлар ва ҳодисаларнинг ички боғлиқликка эга занжирлари, сиёсат субъектларининг ҳокимиятга қаратилган фаолиятининг ўзаро муносабати бирлиги деб таърифлаш мумкин.

Сиёсий жараён турлари- сиёсатда устувор услубларга кўра сиёсий жараёнлар тўрт турда бўлади: консенсусли (келишувли) ва сиёсий муаммоларга пасив муносабатда бўлишга асосланади; иккинчи тури консенсусли, аммо унда муаммолар баён этиш билан уларни ҳал қилишнинг фаол муносабати тўғрисида сўз юритиш мумкин; учинчи тури давлатнинг муаммоларини баён этишдаги ва ижтимоий гуруҳлар манфаатларини яқинлаштиришдаги фаоллиги билан белгиланади; тўртинчи тури муаммоларни қўйишда пасив, лекин долзарб масалаларни ечишда фаол, шунинг учун манфаатли гуруҳлар қаршилигини енгишга асосланган.

Ўтиш даврини бошидан кечираётган жамиятларда сиёсий тизим мувозанатини таъминлаш услубларига кўра уч турга бўлинади: технократик, идеократик, харизматик.

Сиёсий қарор- ҳокимият амал қилиши билан боғлиқ вазифалар, босқичлар, воситаларни белгиловчи жараён. Сиёсий қарорлар сиёсий ҳокимиятни ижтимоий жараёнларни бошқаришга айлантириш технологиясидир. Сиёсий қарорлар қабул этишнинг уч босқичини кўрсатиш мумкин: 1) тайёргарлик босқичи; 2) қарорларни қабул қилиш босқичи; 3) қабул қилинган қарорларни амалга ошириш босқичи. Сиёсий қарорларни қабул қилишнинг бир нечта усули бор: 1)компромисс - ўзаро ёнбосишлар натижасида эришилган битим; 2) консенсус (келишув)- қарор овоз бериш йўли билан эмас, келишув йўли орқали қабул қилинади; 3) бутунлик - сиёсатда бирор сиёсий куч ёки давлатнинг бошқа сиёсий куч ёки давлатларга нисбатан устувор мавқени эгаллаши.

Сиёсий иштирок - ижтимоий- сиёсий жамоа аъзоларининг ички сиёсий муносабатлар ва ҳокимият таркибига жалб этилганлигини (муайян босқичда эса халқаро ҳамжамят муносабатларига ҳам) билдиради. Индивидлар, ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар, сиёсий ва жамоатчилик институтлари сиёсий иштирок субъектлари ҳисобланади. Сиёсий иштирок кўлами жиҳатидан: 1. Маҳаллий; 2. Минтақавий. 3. Умумдавлат. 4. Халқаро сиёсат даражасида амалга оширилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.- Т.: «Ўзбекистон», 2003.
2. Каримов И. А. Ватанисизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги уз куч қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004.
3. Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.-Т.: «Ўзбекистон», 2005.
4. И. А. Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайдди. –Т.: «Ўзбекистон», 2005.
5. И. А. Каримов. Қонун ва адолат устивор фаолиятимиз мезони бўлсин. Халқ сўзи, 2004 йил, 2 июн.
6. Каримов И. А. Халқ ишончини оқлаш- юксак маъсулият. Халқ сўзи, 2005 йил, 23 август


7. Отамуротов С., Эргашев И., Акрамов Ш., Сиёсатшунослик.- Т.: «Ўзбекистон», 1999.
8. Дубков В. Полтология. Учебное пособие. 2004.
9. Компьютерное моделирование социально- политических процессов.-М.: «Интерпракс», 1994.

5 – МАВЗУ: Жамиятнинг сиёсий тизими.


Режа.

- 1.Сиёсий тизим тушунчаси, моҳияти ва вазифалари.
- 2.Сиёсий тизимда давлат, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва роли.
- 3.Сиёсий тизим ва сиёсий муносабатлар.


ЖАМИЯТ СИЁСИЙ ТИЗИМИНИНГ СТРУКТУРАСИ




ЖАМИЯТ СИЁСИЙ ТИЗИМИНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ




ЖАМИЯТ СИЁСИЙ ТИЗИМИНИНГ ДЕМОКРАТЛАШУВИ



ЖАМИЯТНИНГ СИЁСИЙ ТАШКИЛОТЛАР






СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ХАРАКТЕРЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Белгилари	Ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилган партия	Ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилмаган партия
Сиёсий ҳокимият учун кураш Партия дастури Партия устави Партия бадалларини тўлаш Профессional партиявий аппарат Аъзолик Раҳбарликнинг кенг ваколатлари Партия интизоми Партия аъзолари ўртасидаги ташкилий алоқа Матбуот органларининг мавжудлиги	Зарур Дастур Бор Мажбурий Марказлаштирилган Мажбурий Тартибга олинган Мажбурий Мажбурий Қоидага киритилган	Зарур Дастур баёноти Зарур эмас Зарур эмас Йўқ Йўқ Мажбурий эмас Йўқ Йўқ Мажбурий эмас


СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ АСОСИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ

Назарий	Ғоявий	Сиёсий	Ташкилий
Жамият ҳаётининг ҳозирги аҳволи ва келажагини таҳлил этиш ва назарий жиҳатдан баҳолаш. Турли социал гуруҳлар манфаатини аниқлаш. Жамиятни янгилашнинг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқариш.	Ўзининг дунёқарашини омма орасида ёйиш ва ахлоқий қадриятларини ҳимоя қилиш. Ўзининг дастурий мақсадлари ва сиёсатини ташвиқот қилиш. Фуқароларни ўз томонига оғдириб олиш ва партия сафларига қабул қилиш.	Ҳокимият учун кураш. Давлатнинг ички ва ташқи сиёсат йўлини белгилашида ва амалга оширишида бевосита ва билвосита иштирок этиш. Муқобил таклифлар тайёрлаш. Сайловолди дастурини бажариш.	Дастур асосларини ва қарорларини амалга ошириш. Сайловлар ўтказиш. Сайлаб қўйиладиган лавозимларга номзодлар танлаш. Раҳбар кадрларни тайёрлаш. Ҳукуматни шакллантиришда марказий ва маҳаллий бошқарув аппаратини шакллантиришда иштирок этиш.


ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ТАХМИНИЙ ТИЗИМИ



ДАВЛАТНИНГ БОШҚАРУВ ШАКЛЛАРИ



ДАВЛАТНИНГ ВАЗИФАЛАРИ



**Сиёсий-минтақавий умуминсонийлик асосида
интеграцион жараёнларни ривожлантириш**

ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ ШАКЛЛАРИ

ОДДИЙ	МУРАККАБ
--------------	-----------------

Белгилари	Унитар давлат	Федератив давлат	Конституцион федератив давлат
Конститутция	Ягона	Умумий конституция	Умумий Конституцияси йўқ
Ҳокимият Олий органи	Ягона	2 палатали Парламент	Ҳокимият муассаса ваколатлари энг паст даражада
Фуқаролиги	Ягона	Ягона ва икки фуқаролилик	Фуқаролиги бўлмайди
Ҳуқуқ тизими	Ягона	Ягона, алоҳида ҳуқуқ тизимига эга.	Иттифоқ шартномаси
Судлов тизими	Ягона	Ягона ва икки тизимли	Ягона судлов тизими йўқ
Ҳудуди	Ягона	Ягона чегарани кўриқлаш	Ягона ҳудуди бўлмайди
Валютаси	Ягона	Ягона	Ягона валютаси бўлмайди

ДАВЛАТ

Давлат бу ...	
А) Жамиятни бошқариш аппарати	В) Жамият аъзолари ассоциацияси



СИЁСІЙ ТІЗІМЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мезонлар	Демократик тузум	Тоталитар тузум	Авторитар тузум	Либерал тузум
Қонунчилик	Демократик қонунлар ривожланган тизими	Қонунчилик тизими кам ишланган	Қонунчилик тизими минимал даражада	Қонунчилик тизими кам ишланган
Давлат бошлиғи ваколатлари	Қонун билан қаттиқ чекланган	Амалда чекланган	Амалда чекланган	Амалда чекланган
Ҳокимият вакиллик органлари	Кенг ваколатлар доирасига эга	Қўғирчоқ ҳукумат	Ваколатлар йўқлиги ёки қўғирчоқ ҳукумат	Қўғирчоқ ҳукумат
Ҳокимият бўлиниш принциплари	Амалга ошган	Расмий эътироф этилади	Рад қилинади	Расмий эътироф этилади
Маҳаллий ҳокимият орган ваколатлари	Юқори даражада	Расмий кенг миқёсда	Паст даражада	Паст даражада
Партиялар	Кўппартиявийлик	Якка оммавий-сиёсий партия	Етакчи партия давлат хизматида	Етакчи партия давлат хизматида
Мафкура	Сиёсий фикрлар хилма-	Якка расмий мафкура	Якка мафкура	Фикрлар хилма-хиллиги

	хиллиги		хукмронлиги	паст даражада
Ҳуқуқ ва эркинликлар	Қонун тақиқланмаган барча нарсаларга рухсат берилади	Сиёсатга дахлдор бўлмаган нарсаларга рухсат этилади	Ҳокимият кўрсатган нарсаларгагина рухсат берилади	Ҳокимиятни алмаштиришдан бошқа ҳамма нарсаларга рухсат берилади
Жазолаш органлари	Қонун билан қаттиқ чегараланган	Сиёсий жиноят кидирувини махфий амалга оширади	Оммавий-сиёсий репрессияларни амалга оширади	Қонун билан паст даражада чегараланган
Қаршилик (оппозиция)	Қонуний суръатда фаолият олиб боради	Рад қилинади	Тақиқланади	Мустакил гуруҳлар билан мулоқот олиб боради ва натижаларни ўзи белгилайди

Таянч тушунчалар:

Сиёсий тизим, сиёсий тизим тузилиши, давлат, давлатнинг асосий белгилари, партиялар, жамоат ташкилотлари, сиёсий муносабатлар, сиёсий иштирок тушунчаси.

Сиёсий тизим - сиёсий ҳокимиятни шакллантирувчи ва амалга оширувчи давлат, ижтимоий - сиёсий ташкилотлари ва муносабатлари йиғиндисидир. Сиёсий тизимни ташкил этувчи сиёсий ҳокимиятни шакллантириш ва амалга оширишда тутган ўрнига қараб қўйидаги тўртта кичик гуруҳларга ажратилади: биринчиси ташкилий тизим бўлиб, ўз ичига давлат, сиёсий партиялар, ижтимоий - сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатларни; иккинчиси маданий - мафкуравий тизим бўлиб, сиёсий маданият, сиёсий онг, мафкура, жамоатчилик фикри киради; учинчиси меъёрий тизим бўлиб, ўз ичига сиёсий - ҳуқуқий, ташкилий, ахлоқий, сиёсий ва бошқа меъёрларни; тўртинчиси ахборот коммуникация тизими бўлиб, у ўз ичига оммавий ахборот воситалари, коммуникациялар ва инфратузилмаларни олади.

Давлат - ўзининг мукамал мақомига эга бўлиб, маълум ҳудудга, ўз аҳолисига ва маълум бир ташкилотларига эга бўлади. У ихтиёрий, мажбурий, ижтимоий - сиёсий ташкилот ҳисобланади. Жамиятдаги ижтимоий жараёнлар устидан сиёсий ҳокимият ва бошқарувни ташкил этувчи сиёсий тизимнинг асосий муассасаси. Давлат ишонтириш, мажбур қилиш, умумманфаатларни амалга оширишда турли вазиятларни қўллаш ва солиқ йиғиш каби танҳо ҳуқуқларга эга.

Давлатга бошқа нуктаи назарлар ҳам бор: Давлатни холис (нейтрал), синфлардан юқори турувчи куч деб, жамиятнинг барча қатламлари манфаатларини акс эттирувчи куч деб тасаввур этиш (Д. Гэлбрейт, Р. Харрод ва бошқалар). Бундай тасаввурнинг илдизи «Ижтимоий шартнома назариясида»дир, бу назарияга кўра, уюшма ҳар бир аъзосининг ёки шу аъзолар бир қисмининг ҳуқуқлари уларнинг ўз ихтиёрлари билан жамоага берилади, сиёсий ҳокимият эса битим шарофати билан куч - қувватга эга бўлади.

Фуқаролар жамиятини ташкил этиш шакли сифатида давлатни рад этиш (М. Бакунин, П. Кропоткин). Анархизм назариётчиларининг фикрича, ҳар қандай давлат шахс устидан зўравонлик қуролидир, зулм ва эксплуатациянинг мужассамидир. Жамият фақат давлатни яқсон этиш йўли билангина ижтимоий орзу (идеал)га, яъни ҳеч нима билан чекланмаган озодликка эришуви мумкин.

Давлат ҳокимиятининг бўлиниши дунё томонидан эътироф этилган қуйидаги уч соҳада акс этади. 1. Қонун чиқарувчи ҳокимият (Парламент, Олий Мажлис, Кенгаш, Конгресс, Сейм). 2. Ижро этувчи ҳокимият. 3. Суд ҳокимияти.

Бундан ташқари, давлатнинг сиёсий тизимдаги ўрни, жамият ҳаётида бажарадиган қуйидаги функцияларида алоҳида кўзга ташланади. Булар: ички, ташқи ва халқаро функциялардир.

Давлат тузилмаларининг турлари-унитаризм, федерация, конфедерация, суверенитет.

Унитаризм - давлат тузилишининг шундай тамойилики, бунда расман мустақил бўлган тузилмаларнинг ҳуқуқлари батамом марказий ҳокимиятга бериб қўйилади ва мазкур тузилмалар фақатгина маъмурий тизимга айланиб қолади.

Федерация - ягона иттифоқ давлатининг бир нечта давлат тузилмалари ёки миллий давлат тузилмаларидан ташкил топади. Аини вақтда, бу тузилмалар муайян даражада сиёсий ва адлиявий мустақилликни сақлаб қоладилар.

Конфедерация - давлатлар тўла адлиявий ва сиёсий мустақилликни сақлаб қолган ҳолда бирлашадилар, марказий ҳокимият, муштарак қонунлар, фуқаролик ва суд тизими бўлмайди.

Суверенитет - халқ ҳуқуқларининг шундай бир жамулжамики, бу мазкур халққа мустақил яшашга, миллий ўзига хослика, бошқа халқларнинг ва ўз давлатининг манфаатларини ҳисобга олиб, унинг равнақи учун қулай шарт- шароитларни таъминлашга имкон беради.

Этатизм - (французча сўз бўлиб, давлат демакдир)- давлатнинг жамият иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги мавқеининг кучайишини таърифлашга қўлланиладиган атама. Давлатни ижтимоий тараққиётнинг олий натижаси ва мақсади деб билувчи тушунча. Этатизм ғоялари кўпгина сиёсий доктриналарда кўзга кўринади. Капитализмгача бўлган даврда бу ғоялар асосан абсолютизмни асослаш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ эди (масалан, Гоббснинг давлат тўғрисидаги таълимоти), Гегелнинг таъкидлашича, давлат- «Жамият кўксидаги олий мақсаддир»- барча мақсадларнинг олийсидир. Этатизм давлат капитализмининг сиёсати сифатида либерализмга ва демократияга қарши қаратилган сиёсат бўлиб, у давлатнинг кучли ҳокимияти бўлишини тақозо этади.

Сиёсий тузум - сиёсий, ижтимоий ташкилотлар, муассасалар, сиёсий қарорлар қабул қилувчи идоралар, мафкура ва анъаналари мажмуидирки, шулар воситасида жамият ташкил этилади. Ғарб сиёсатшунослигида сиёсий тузум кўп ҳолларда сиёсий маданият билан бир ўринга қўйилади. Сиёсий тузумнинг унсурлари қуйидагилардан иборат: 1.Сиёсий муассасалар ва ташкилотларнинг кичик тизими, буларнинг энг асосийси давлатдир.2. Сиёсий тартибда ўз ифодасини топган сиёсий муносабатларнинг кичик тизими. 3. Қонунлар, ҳуқуқий нормалар, мафкуралар ва ахлоқ- одобда ўз ифодасини топган ғоялар ва тамойилларнинг кичик тизими.

Сиёсий плюрализм - сиёсий назариялар ва қарашлар, муносабатлар ва ташкилотларнинг турли - туманлиги.

Партия - (лотинча сўз бўлиб, бўлак, қисм, деган маъноларни англатади) - синфлар, табақалар, ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифода этиш учун ташкил этилган жамиятнинг бир бўлаги. Партия моҳиятини англаш учун учта ёндашув қабул қилинган. 1. Бирор - бир мафкуравий доктринага ихлос қўйган одамлар гуруҳи. 2. Муайян синфларнинг манфаатларини ифода этадиган сиёсий ташкилот бўлиб, ана шу синфнинг етакчиси бўлади. 3. Партияни давлат тизимида ишлайдиган ташкилот сифатида муассасавий тушуниш.

Партиянинг белгилари: сиёсий бирлик, ҳокимиятга нисбатан фаолият ва бошқалар. Сиёсий партияларнинг турлари:

1. Кўҳна (архаик) типдаги партия (америка типи)- уюшган аниқ тизимнинг йўқлиги, фаолиятнинг даврийлиги (одатда сайлов мавсуми пайтида ишлайди), аъзолик давлат идораларига овоз бериш натижаларига кўра тайин этилади, хайр- эҳсон эвазига иш кўрилади.

2. Парламент типдаги партия (европа типи) – ташкилий тизимларнинг мавжудлиги, муайян сиёсий доираларига ўз таъсирини ўтказиб, ўзини парламент фаолиятига чорлаш, демократизм негизидаги аъзолик, партия фаолиятини маблағ билан таъминлашнинг аралаш тизими, ижтимоий тузумни ўзгартирмасдан ишлаётган ислохотлар партиялари.

3. Илғор типдаги партияларнинг аниқ ташкилий тузилмаларининг мавжудлиги, ижтимоий муносабатлар барча жабҳаларига таъсирлар ўтказиш, давлат тизимида бош қўшиш, уюштириш ва ишлашнинг демократик марказлаштириш тамойиллари партия фаолияти аъзолик бадаллари билан таъминланади.

4. Бошқача тамойиллар асосида уюшган партиялар (алломалар, зукколар клублари, халқаро партиялар).

Сиёсий партияларнинг асосий турлари:

- монархия партиялари;
- буржуа консерватив партиялар;
- фашистча, ўта ўнг партиялар;
- либерал - демократик партиялар;
- диний партиялар;
- социалистик, ўта сўл партиялар;
- анархистик партиялар.

Жамоат ташкилотлари - одамлар жамоаси бўлиб, уларни муштарак манфаатлар бирлаштириб туради, мазкур жамоа ушбу жамиятда қабул қилинган қонунлар ва меъёрларга бўйсуниб, муайян мақсадларни руёбга чиқаради.

Жамоат ташкилотларининг хусусиятлари:

- ташкилот аъзолари алоқалари ва манфаатларининг тизими;
- ички тузилишини бунёд этиш усуллари;
- қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг шакли ва усуллари ҳамда уларни амалга ошириш йўллари. Жамоат ташкилотларининг турлари:
- кучли ғоявий - сиёсий ва маънавий алоқалари тизимлари бўлган ташкилот, яъни сиёсий партиялар;
- муайян мақсадлар ва вазифаларни амалга оширишдан манфаатдор бўлган ташкилотлар(қасаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари ва бошқалар.);
- муайян дастурлар ёки ҳатто айрим шахсларни қўллаб - қувватлаш мақсадида тузиладиган ташкилотлар.

Сиёсий муносабатлар - инсонлар, турли ижтимоий қатламлар билан давлат ўртасидаги муносабатларидир. Сиёсий муносабатлар сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш жараёнида, раҳбарлик ва бошқарув органларини ижтимоий- иқтисодий, сиёсий ва маданий жараёнларига бўлган таъсирида вужудга келади, шунингдек, улар сиёсий тизимнинг моҳияти ва вазифаларини, сиёсий ҳокимиятнинг амалга ошириш услубларини, ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.- Т.: «Ўзбекистон», 2003.

2.Каримов И. А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004.

3.Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз -жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.-Т.: «Ўзбекистон», 2005.

4.И. А. Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. –Т.: «Ўзбекистон», 2005.

5.И. А. Каримов. Қонун ва адолат устивор фаолиятимиз мезони бўлсин. Халқ сўзи, 2004 йил, 2 июн.

6.Каримов И. А. Халқ ишончини оқлаш- юксак маъсулият. Халқ сўзи, 2005 йил, 23 август

7.Отамуротов С., Эргашев И., Акрамов Ш., Сиёсатшунослик.- Т.: «Ўзбекистон», 1999.

8.Дубков В. Политология. Учебное пособие. 2004.

9.Кирғизбоев. М. Фукаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар.- Т. «Шарқ», 1998.

10. «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун. Т., 1996.

6 – МАВЗУ: Демократия. Демократиянинг асосий концепциялари. Режа.

1. Демократиянинг тушунчаси ва мазмуни.

2. Демократиянинг замонавий моделлари.

3.Демократия ва Шарқ.

ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БЕЛГИЛАРИ

Иқтисодиётда

- Шахснинг мулкдан минимал узоқлашганлиги.
- Мулк шакллариининг хилма-хиллиги.
- Кенг ишлаб чиқариш демократияси.
- Ишсизликнинг йўқлиги ёки компенсация қилиниши.
- Меҳнаткашлар ҳуқуқларининг қасаба уюшмалари томонидан ҳимоя қилиниши.
- Меҳнатга яраша тақсимот.
- Меҳнатга лаёқатсиз фуқароларнинг моддий жиҳатдан таъминланиши.

Сиёсий соҳада

- Сиёсий плюрализм, кўппартиявийлик.
- Демократик сайлов тизими.
- Ҳуқуқ ва эркинликлар тўғрисидаги қонунчилик.
- Уларнинг амалда таъминланиши.

- Жамоат ташкилотларининг кенг тармоқлари.
- Сиёсий ҳаётда иштирок этишнинг ҳуқуқий таъминланиши.
- Фуқаронинг сиёсий жараёнга аниқ таъсир этиши.
- Ошкора муҳолифат.

Ижтимоий соҳада

- Тенгҳуқуқлилик социал бирликлар ўртасидаги шартномавий муносабат.
- Шахснинг мустаҳкам социал ҳимояланганлиги.
- Шахснинг маъмурий зўравонликдан ҳимояланганлиги.
- Шахс ва унинг мулкнинг жиноий унсурлардан ҳимояланганлиги.
- Моддий ва маънавий бойликларнинг адолатли тақсимооти.
- Билим олиш, тиббий ва социал таъминот олиш мумкинлиги.

Маънавий ҳаётда

- Виждон, фикр, сўз, матбуот, ижод эркинлиги.
- Ғоялар ва дунёқарашларни таққослаш имкониятининг мавжудлиги.
- Ақидалар ва стереотиплардан воз кечиш.
- Маънавий ҳаётнинг давлат, партиявий, диний, оммавий ахборот воситалари таъқибидан ҳимояланганлиги.
- Санъат ва маданиятнинг барча туридан фойдалана олиш имконияти.
- Ёвузлик, расизм, порнография тарғиботидан ҳимояланганлик.

ҲОЗИРГИ ЗАМОННИНГ ДЕМОКРАТИК ҲАРАКАТЛАРИ

Урушга қарши, антиядро ҳаракати

Қўшилмаслик ҳаракати

Янги иқтисодий тартиблар ўрнатиш учун чиқишлар

Миллий ва ирқий камситишларга қарши ҳаракат

Демократия учун уни ривожлантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш

Дехқонларнинг ер ва социал ҳуқуқлар учун кураш

Олимлар, врачлар, юристларнинг пацифистик ҳаракати


Хотин-қизлар, ёшлар ва студентлар ҳаракати

Атроф муҳитни ҳимоя қилиш бўйича оммавий ҳаракат ва бошқалар.

ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТЛАР



ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ



Таянч тушунчалар:

Демократия, демократиянинг замонавий моделлари, сиёсий демократия, плюрализм, шарқ демократияси

Демократия - халқ ҳокимиятидир. Қадимги Юнонистонда «демократия» термини «демос»- халқ, тенг ҳуқуқли фуқаролар йиғини, фуқароларнинг асосий қисми маъноларида қўлланилган. «Кратос»- куч, ҳокимият, қудрат, бошқарув, ғалаба маъноларини англатган. Демак, қадимги юнонларнинг ўзлари « демократия» тушунчасини талқин этишда яқдил бўлмаганлар. Уларда демократия яна қуйидаги маъноларни:

- а) исёнкор йўқсиллар тантанаси;
- б) камбағаллар ҳукмронлиги;
- в) полис ишида барча фуқаролар иштироки;
- г) расмий тadbирлар орқали (сайлов, навбат, тайинлаш) бошқарувни амалга оширишни билдирган.

Демократик бошқарувнинг юнонча синонимии «изократия» (ўз- ўзини бошқарув)дир. Янги даврда демократия атамаси орқали эркинлик, фуқаролик, халқ суверенитети, миллий давлат ғоялари ривожланди. Ҳозирги вақтда демократия- халқни ҳокимият манбаи деб эътироф этувчи, фуқаролар тенглиги, озчилик ҳуқуқларини ҳимояловчи, давлатнинг асосий органлари- сайловлар натижасида шаклланувчи сиёсий ҳокимият тизими сифатида тушунилади.

Демократиянинг замонавий моделлари - либерал, идентитар, плюралистик. Мумтоз либерал демократия модели ижтимоий фикр тарихида биринчи бор индивидни жамият ва давлатдан, давлат ва фуқаролик ҳокимиятини бир- бирдан ажратди, давлатнинг фуқаролик жамияти ва шахс билан муносабатларини қонун ва вазифалар жиҳатидан чеклади, озчиликнинг кўпчиликка нисбатан мухторияти ва ҳуқуқларини ҳимоя қилди, барча фуқароларнинг асосий тенг ҳуқуқлилигини баён этди, шахсни сиёсий тизимнинг бош элементи сифатида фундаментал, бегоналашмайдиган ҳуқуқлар билан таъминлади.

Плюралистик демократия модели либерал сиёсий тизимдан ўсиб чиққан ва унинг асосий ташкилий тамойилларини мерос қилиб олган. Уларга конституционализм, ҳокимиятлар бўлиниши ва шунингдек, шахсий эркинликлар, инсон ҳуқуқлари каби қадриятлар киради. Плюралистик демократия дейилишига сабаб, у аввал мавжуд бўлмаган ижтимоий манфаатлар (ижтимоий, маданий, диний, гуруҳий, диний ва ҳ.к.) ва уларни баён этиш шакллари (сиёсий партиялар, жамиятлар ва иттифоқлар ижтимоий ҳаракатлар фуқаролик ташаббуслари) хилма-хиллигига асосланади. Шундай қилиб замонавий демократия хилма-хил ижтимоий гуруҳларга ўз манфаатларини ифодалаш ва рақобатли жараёнда уларнинг мувозанатини акс эттирувчи, муросаи-мадорага асосланган бошқарув шаклидир. Партиципаторлик демократияси демократиянинг халқ ҳокимияти сифатидаги меъёрий идеалига тўлиқ мос бўлишига ва унинг замонавий давлат ва жамият тузилишига мослашишига давогарлик қиладилар. Бошқарувда кўп одамларнинг иштирок этиши қарорлар қабул қилиш учун интеллектуал потенциални кенгайтиради, уларнинг энг маъқулларини танлаш эҳтимолини оширади ва демак, сиёсий тузум барқарорлиги ва бошқарув самарадорлиги ортади. Бундан ташқари, фуқароларнинг сиёсий жараёнда фаол иштироки мансабдор шахслар устун самарали назоратни таъминлайди, ҳокимиятни суистеъмол қилишнинг, депутатларнинг халқдан узилиб қолишини, амалдорлар бюрократлашувининг олдини олади.

Сиёсий демократия – бош муассасанинг жамул -жамидан иборат бўлиб, булар сарасига жамиятнинг сиёсий жиҳатдан ташкил топиши, ҳокимиятни амалга ошириш усуллари (тизими, ҳуқуқ ва эркинликлар тизими, сайлов тизими ҳамда ҳокимият ва бошқарув идоралари фаолиятини назорат қилиш тизими) киради.

Ғарб демократияси – индивиднинг гуруҳдан устунлиги ғоясига асосланади. Бу ерда индивидуал эркинликлар ва ҳуқуқлар масаласи энг долзарб масала, индивидларни жамият ва давлат таъсиридан ҳимоя қилишга ҳаракат қилинади.

Шарқ демократияси – индивидуал эркинликлар ва ҳуқуқларга таянишда, у кўпинча гуруҳ, жамоа манфаати ва ҳуқуқлари билан уйғун қўйилади. Ғарб демократиясидаги моделидаги индивидларни жамият ва давлат таъсиридан ҳимоя қилишга уринишларидан фарқлича, масалан, япон модели «шахсни ўзини-ўзи чеклаши», уни жамият ва давлат манфаатларига тизимига уйғун бўлишини таъминлаш вазифасини қўяди. Бу ерда анъана ва замонавийликнинг ўзига хос уйғунлигига эришилган. Модернизация жараёни ижтимоий - маданий ва сиёсий - маданий соҳалардаги энг муҳим анъаналарини сақлаган ҳолда амалга оширилади. Бу ерда монархия, бурҷ, келишув, жамоага содиқлигини, шахс манфаатларининг гуруҳ

манфаатларига таяниши каби қадриятлар сақланган. Ихтилофларни ҳал қилишда патернализм руҳидаги норасмий механизмлар қўлланилади, ёш, жинсдаги фарқлар ва ижтимоий ва касбий фарқлардаги тенгсизлик сақланади ва бундай ўзига хосликлар жуда кўп.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.- Т.: «Ўзбекистон», 2003.
2. Каримов И. А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004.
3. Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз -жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир.-Т.: «Ўзбекистон», 2005.
4. И. А. Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. –Т.: «Ўзбекистон», 2005.
5. И. А. Каримов. Қонун ва адолат устивор фаолиятимиз мезони бўлсин. Халқ сўзи, 2004 йил, 2 июн.
6. Каримов И. А. Халқ ишончини оқлаш- юксак маъсулият. Халқ сўзи, 2005 йил, 23 август.
7. Азизхўжаев. А. А. Давлатчилик ва маънавият.- Т.: «Шарқ», 1997.
8. Гаджиев К. С. Введение в политическую науку.- М. 1997.
9. Галкин А. Мир как система.- «Полис», 1998, №4.
10. Отамуротов С., Эргашев И., Акрамов Ш., Сиёсатшунослик.- Т.: «Ўзбекистон», 1999.
11. Сиёсатшунослик. Маърузалар матни. (муаллифлар жамоаси)- Т., 2000.
12. Дубков В. Политология. Учебное пособие. 2004.
13. Қирғизбоев. М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар.- Т. «Шарқ», 1998.
14. Ковлер А. Исторические формы демократии. М. «Наука», 1990.
15. Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох қилиш йўлида. Т.: «Академия», 2005.

7 – МАВЗУ: Мустақиллик ва Ўзбекистонда демократик жамиятга ўтиш жараёни.

Режа:

1. Мустамлака ва ярим мустамлакачиликдан озод бўлган давлатларда сиёсий ўтиш даврининг зарурлиги.
2. Ўзбекистонда ўтиш даврининг бошланиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Ўтиш даврида демократик жараёнларни шакллантириш асосида фуқаролик жамиятини қуришнинг негизларини вужудга келтириш жараёни.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МОҲИЯТИ

Кишилик жамиятининг энг юқори босқичи ва шакли бўлиб, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаёт соҳасида фаолият кўрсатаётган, ихтиёрийлик асосида бирлашган нодавлат, носийсат, оила, ташкилот, кооператив, иттифоқ ва бошқа бирлашмалар уюшмасидир

Жамиятдаги нодавлат, носийсий муносабатлар йиғиндиси – иқтисодий, ижтимоий, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний ишлаб чиқариш, шахсий ва бошқа муносабатлар йиғиндиси. Бу урф-одатлар, анъаналар, кишиларнинг ахлоқий қарашларидир

Давлат ҳокимияти органларининг тўғридан-тўғри аралашувидан, мажбурий чекловлар ўрнатишидан қонуний йўл билан ҳимоя қиладиган, ихтиёрийлик асосида ташкил топган фуқароларнинг ташкилоти ва ассоциацияси бўлиб, ҳар бир индивиднинг ўзини намоён эта оладиган соҳадир

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БЕЛГИЛАРИ

**Иқтисодий
соҳада**

Оила
Давлат корхоналари
Кооперативлар
Ижарачи жамоалар
Ҳиссадорлик жамиятлари
Ассоциациялар

**Ижтимоий
соҳада**

Жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар (расмий ва “норасмий”)
Яшаш ва иш жойидаги ўзини-ўзи бошқариш органлари
Нодавлат оммавий ахборот воситалари (Ижтимоий) жамоатчилик фикрини билдирадиган, шакллантирадиган ва аниқлайдиган маданийлашган механизм.
Социал низоларни қонун доирасида куч ишлатмасдан ҳал этиш тажрибаси.

**Маънавий
соҳада**

Фикр, сўз, виждон эркинлиги
Ўз фикрини ошқора баён этиш имконияти
Ўз фикри
Ижодий, илмий ва бошқа бирлашмаларнинг мустақиллиги ва озодлиги (қарам эмаслиги).

АМАЛДАГИ ДЕМОКРАТИЯ

АСОСИЙ ШАКЛЛАРИ

Қонунлар ва бошқа давлат ҳужжатлар лойиҳасининг оммавий умумхалқ муҳокамаси

Фуқароларнинг депутатларни давлат ва маҳаллий ҳокимият раҳбарларининг тўғридан-тўғри сайлаши

Меҳнаткашларнинг маъмурият ишини назорат қилиш ва меҳнат жамоаси муаммоларини ҳал этишдаги иштироки


Мансабдор шахсларнинг фуқаролар олдида ўз мажбуриятларининг жамият, аҳоли, ходимлар олдида бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлар

Мансабдор шахслар томонидан аҳолини, мижозларни, ходимларни қабул қилиш мажбурийлиги

Бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг ариза ва шикоятларни белгиланган муддатда кўриб чиқиши ва жавоб бериши мажбурийлиги

Аҳолининг матбуотда, жамоат назорати ва бошқаларда иштирок этиши

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ДАВЛАТ




ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШ ШАРОИТЛАРИ

Ҳар бир фуқаронинг шахсий ёки жамоат мулкига амалда эга бўлиши ва мулкдан ўз ҳоҳишига кўра фойдаланиш, эгалик қилиш ҳуқуқи.


Жамиятда ривожланган, турли шаклдаги социал тузилмалар мавжуд бўлиб улар социал гуруҳлар манфаатларини ҳимоя қилади.

Жамият аъзоларининг, шахсларнинг юқори даражадаги социал, ақлий, психологик жиҳатдан ривожланганлиги, тўла мустақил ҳолда фаолият кўрсата олиши.


**АСОСИЙ
ШАРОИТЛАР**



ЖАМИЯТДАГИ СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ДЕМОКРАТИК АСОСЛАРИ



ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ



ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ



ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Меҳнат туфайли жамият ва шахс манфаатлари ва маъсулиятларининг ортиб боришини кенгроқ тушуниш.

Турли давлатларда “Фаровон давлатнинг тикланиши билан фуқаролик жамияти имкониятларининг чекланиши.

Барқарор сиёсий режимлар – давлат шаклларида индивидуал ва ижтимоий ҳаёт соҳаларининг ҳимояланганлик даражасининг ортиб бориши.

Фуқаролик жамияти ривожланади ва тузилмалари шаклланади ҳамда қонуний йўл билан давлат тартибларидан ҳимояланади.

Фуқаролик жамияти ҳали аморф шаклда, ривожланган давлат уни ютиб юбориши мумкин. Давлат кишилар тақдирини ҳал қиладиган ҳакам.

Фуқаролик жамияти ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида давлатни тузади, уни таъминлайди ва имконият даражасида назорат қилади.

Уюшмалар кўпсонли бўла бошлайди, фаолият доираси кенгайиб, барқарор бўла бошлайди.

Ташқи душманлардан ҳимоя қилиш, яшаш учун кишилар кам сонли, беқарор содда уюшмаларининг ташкил топиши.

Таянч иборалар:

Мустамлака, ўтиш даври, ўтиш даврининг классик (анъанавий), инқилобий, эволюцион шакллари, Ўзбекистоннинг эволюцион йўли, давлат бош ислохотчи, маҳалла, фуқаролик жамияти.

Сиёсий ўтиш даври – мустамлака ва ярим мустамлакачиликдан озод бўлган давлатларнинг тараққиёт тажрибалари кўрсатмоқдаки, мустақилликни қўлга киритган давлатлар ўзларининг юксак даражаларига бирдан эмас, балки маълум бир тарихий босқичларни босиб ўтиб эришганлар. Ана шу босқичларнинг биридан иккинчисига ўтишларида, албатта, ўз бошларидан маълум бир оралик босқични босиб ўтганлар. Бундай босқич барча мамлакатлар учун умумий қонуният ҳисобланиб, сиёсатшуносликда сиёсий ўтиш даври дейилади.

Ўтиш даврининг йўллари – демократик тамойилларни таъминлаган ва тараққиётга эришган бир қатор мамлакатларнинг тажрибаларидан маълумки, бу жамиятга ўтишинг асосан учта йўли вужудга келади.

Уларнинг биринчиси – классик йўл ҳисобланди. Ўтиш даври бу йўлининг хусусияти шундан иборатки, у узоқ тарихий даврда амалга ошади ва мамлакат иқтисодий ҳаётида хусусий мулкчилик етакчи ўрин эгаллайди. Бу аҳолининг хоҳиш иродасидан ва моддий аҳволининг мураккаб ҳолатига тушишидан қатъи назар, уларни шаклланаётган тартибга ўргатиш ва кўнишга мажбур қилиб боради. Шунинг учун бу йўлни ўз бошидан кечирган Европа мамлакатларида жуда катта сиёсий бухронлар, инқилоблар содир бўлган эди.

Ўтиш даврининг иккинчиси инқилобий йўл ҳисобланади. Бундай мамлакатлар ва сиёсий – ижтимоий муаммоларнинг илдизи хусусий мулкчиликдан деб ҳисобланади. Сиёсий ҳаётнинг ўзгаришига айрим «синф пролетариат» манфаатидан келиб чиққан ҳолда ёндашилади. Пролетариат диктатурасини ўрнатиш ғоясини амалга ошириш барча ихтилофларни ҳал этиш йўли сифатида баҳоланади. Ижтимоий тенглик асосида демократик эркинлик тушунчалари муҳим қадрият сифатида инсонлар онига сингдирилади. Шу асосида мамлакат сиёсий ҳокимияти бир тизимдан иккинчисига ўтади. Инқилобий йўл учун асосий шарт шуки бунда демократик тамойилларнинг бир қатор куртаклари, албатта эски тизим шароитида шаклланаётган бўлишидир. Ўтишнинг бу йўлини собиқ жаҳон социализм тизимида кирган айрим мамлакатлар ўз бошидан ўтказдилар.

Ўтиш даврининг учинчи йўли босқичма-босқич ёки эволюцион йўл ҳисобланади. Унинг характерли хусусиятлари шундаки, сиёсий ҳокимият қўлга киргач, эски механизмлари бирдан йўқотилиб юборилмаслиги, аста-секинлик билан тугатилиб борилишига асосланади. Ўтишнинг эволюцион йўлининг ижобий томони шундаки, халқ сиёсий ва иқтисодий, маданий ҳаётга аста – секинлик билан «мослаштирилиб» борилади. Бу эса жамиятда содир бўлиши мумкин бўлган социал «портлаш»ларнинг олдини олиш имконини яратиб беради.

Референдум – (лотин) – энг муҳим давлат масаласи бўйича умумхалқ сўрови (халқнинг овоз бериш) бевосита халқ ҳокимиятининг муассасаларидан бири. Ўзига хос хислати: референдум яқунлари империтивдир, яъни ижро этиш учун мажбурий ва узил –кесил. Референдум биринчи бор 1439 йилда Швейцариянинг Берн кантонида ўтказилган эди. Референдум ўтказиш барча мамлакатларда кўзда тутилмаган. Масалан, 23 штатни истисно этганда АҚШ да умумхалқ сўрови ўтказилмайди.

Адабиётлар:


- 1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.- Т.: «Ўзбекистон», 2003.
- 2.Каримов И. А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004.
- 3.Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз- жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.-Т.: «Ўзбекистон», 2005.
- 4.И. А. Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. –Т.: «Ўзбекистон», 2005.
- 5.И. А. Каримов. Қонун ва адолат устивор фаолиятимиз мезони бўлсин. Халқ сўзи, 2004 йил, 2 июн.
- 6.Каримов И. А. Халқ ишончини оқлаш- юксак маъсулият. Халқ сўзи, 2005 йил, 23 август
- 7.Азизхўжаев. А. А. Давлатчилик ва маънавият.- Т.: «Шарқ», 1997.
- 8.Гаджиев К. С. Введение в политическую науку.- М. 1997.
- 9.Галкин А. Мир как система.- «Полис», 1998, №4.

10. Отамуротов С., Эргашев И., Акрамов Ш., Сиёсатшунослик.- Т.: «Ўзбекистон», 1999.
11. Сиёсатшунослик. Маърузалар матни. (муаллифлар жамоаси)- Т., 2000.
12. Дубков В. Политология. Учебное пособие. 2004.
13. Кирғизбоев. М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар.- Т. «Шарк», 1998.
14. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Т., 2004.

8 – МАВЗУ: Сиёсий ҳокимият.

Режа:

- 1.Сиёсий ҳокимият тушунчаси, уни амалга ошириш шакллари, воситалари ва усуллари.
- 2.Ҳокимиятнинг тузилиши ва қўрилишлари.
- 3.Ҳокимиятнинг легитимлиги ва турлари.



Таянч тушунчалар:

Ҳокимият ва унинг талқинлари, ҳокимият субъекти, ҳокимият объекти, ҳокимият ресурслари, сиёсий ҳокимият, иқтисодий ҳокимият, маданий ахборот ҳокимияти, мажбурловчи ҳокимият, легитимлик, анъанавий легитимлик, оқилона- ҳуқуқий легитимлик.

Ҳокимиятнинг талқинлари – позитив-социологик талқин, ҳокимиятнинг мақсад нуқтаи назаридан талқини, бихевиористик талқин, психологик талқин, ҳокимиятнинг тизимли талқини, ҳокимиятнинг тузилмавий – функционал талқини, реляцион муносабатга асосланган талқин. Позитив – социологик талқин асосчиси немис социологи М.Вебер бўлиб, ҳокимият бирор индивиднинг муайян ижтимоий шароитда бошқа индивидга ўзининг иродасини ўтказиш қобилияти сифатда тушунилади. Ҳокимиятнинг мақсад нуқтаи назаридан талқинида (Б.Рассел) ҳокимият муайян мақсадга эришиш, кўзда тутилган натижаларга эга бўлиш қобилияти сифатида тавсифланади. Қисқа қилиб айтганда, ҳокимият – бу кўзланган мақсадларни руёбга чиқаришдан иборатдир. Бунда ҳокимият нафақат кишилар ўртасидаги муносабатларни, балки инсоннинг атроф муҳит билан, табиат билан ўзаро алоқасини ҳам ўз ичига қамраб олади. Ҳокимиятнинг бихевиористик талқинини Америкалик олим Г.Лассуэл таклиф этган. Бу талқинда ҳокимият субъект хулқ-атворининг кўриниши сифатида олиб қаралади. Бунда бировлар буюрадилар, бошқалар бўйсундилар. Инсон ҳокимиятга интилишда ҳаётни яхшилаш, бойлик, обру орттиришни, эркинликка, хавфсизликка эришиш воситаларини кўради. Ҳокимиятнинг тузилмавий функционал талқини (америкалик социолог Т.Парсонс) ҳокимиятнинг тенг бўлмаган субъектларининг муносабати, ижтимоий ташкилотларнинг хусусияти инсонлар бирлигининг ўзини-ўзи ташкил этиш уюштириш, сафарбар қилиш услублари сифатида олиб қарайди.

Ҳокимият объекти ва субъекти – субъект – ҳокимиятнинг фаол, йўналтирувчи кучи. У алоҳида социал гуруҳ, кишиларнинг бирлиги, мисол учун халқ ёки жаҳон ҳамжамияти, давлат институтлари, сиёсий партиялар бўлиши мумкин. Бироқ, ҳар қандай инсон ҳокимиятнинг субъекти бўлавермайди. У ҳокимият субъекти бўлиши учун ҳокимликка хоҳиш – истак, кўрсатмалар ёки буйруқларда кўринадиган ҳокимлик қилиш – таъсир эта олиш қобилиятига, мақомига эга бўлиши лозим.

Объект – ҳокимиятнинг иккинчи муҳим элементи. У ҳокимият субъекти қарорларининг бевосита бажарувчисидир. Ҳокимият объектини қуйидагилар: индивид, социал гуруҳ, синф, жамият ташкил этади.

Ҳокимият ресурслари – бир неча турларга:

утилитар, мажбурловчи ва меъёрий ресурсларга бўлинади. - Утилитар ресурслар – бу кишиларнинг кундалик эҳтиёжлари ва талабларини қондириш билан боғлиқ бўлган моддий ва ижтимоий воситалардир. Бу воситалардан кишиларни рағбатлантириш, жазолаш учун ҳам фойдаланилади.

- Мажбурловчи ресурслар – бу маъмурий жазолаш билан боғлиқ бўлган воситалардир. Бу воситалардан одатда утилитар ресурслар иш бермай қолган пайтда фойдаланилади.

- Меъёрий ресурслар - инсоннинг ички дунёси, қадриятлар ва хулқ – атвори таъсир кўрсатувчи воситалардир. Улар бўйсунувчиларга раҳбар ва ижро этувчиларнинг манфаатларининг умумийлигини тушунтиришга, ҳокимият субъекти ҳаракатларининг маъқулланишини, унинг талаблари қабул қилинишини таъминлашга қаратилган.

Сиёсий ҳокимият – халқ иродасини амалга ошириш кишиларнинг сиёсий ҳаётидаги ўрни, сиёсатнинг тегишли сиёсий институтлар ёрдамида таъсир фаолияти, хулқ- атворга белгиловчи таъсир кўрсатиш қобилияти ва имкониятидир. Сиёсий ҳокимият жамиятда ҳокимиятнинг бошқа кўринишлари: иқтисодий, социал, маданий-ахборот, мажбурловчи ҳокимиятга таянган ҳолда ҳаракат қилади.

Ҳокимиятнинг легитимлиги – легитимлик атамаси ўзининг лўғавий мазмунига кўра французча «legitimite» сўздан келиб чиққан бўлиб, «қонуний» деган маънони англатади. Ҳокимият легитимлиги одатда унинг қонунийлиги ва адолатлилигини, фуқаролар томонидан ижобий баҳоланишини ва ихтиёрий тан олинисини англатади. Ҳокимият легитимлигининг урта классик турини (Макс Вебер) ажратиш кўрсатиш мумкин. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Анъанавий легитимлик. У монархияга хос бўлиб, кўп асрлик анъаналарга, Ҳокимиятнинг мерос тариқасида ўз ишига, фуқароларнинг ҳукмдорларга сўзсиз бўйсунтишларига, улар ўртасидаги муносабатларнинг норасмийлигига асосланади.

2. Харизматик легитимлик (юнонча «харизма» - худо томонидан инъом этилган илоҳий қобилият). Бу легитимлик раҳбарнинг ҳаддан ташқари илоҳий қобилиятга, ғавқулодда истеъдодга, яъни харизмага ишонишига асосланади.

3. Оқилона-ҳуқуқий легитимлик – легитимликнинг мустақил тури бўлиб, илғор демократик давлатларга хос бўлган хусусиятдир. Бундай давлатларда кишилар раҳбар шахсга эмас, балки қонунларга бўйсунди, Ҳокимият вакиллари демократик тамойиллар асосида сайланадилар ва ҳаракат қиладилар.

Сиёсий тартиб (режим) – сиёсий Ҳокимият давлатнинг яшашини руёбга чиқариш ва жамиятдаги муносабатларни тартибга солиш туриш тизими.

Сиёсий тартиб турлари:

1. Тоталитар сиёсий тартиб: а) Шахсий Ҳокимият тартиб;

б) Ижтимоий гуруҳ тартиби. Бундай тартиб фуқаролар жамиятини, ижтимоий ҳаёт барча жабҳаларнинг сиёсийлашувини рад этади, шахсни батамом ёт қилиб қўяди ва уни ўзига бўйсундиради.

2. Авторитар сиёсий тартиб: а) Диктатура;

б) Бюрократик тартиб. Бу тартибнинг ўзига хос жиҳати: Ҳокимият вакиллари мавқеининг пасайиши, Ҳокимиятнинг бўлинмаганлиги ёки унинг расман бўлиниши, Ҳокимиятнинг бюрократия қўлида жамулжам бўлиши, сиёсий жабҳага бошқа жиҳатларга нисбатан устиворлик берилиши, қонунчиликнинг рад этилиши, жазо (репрессив) маҳкаманинг борлиги ва унинг таъсирининг кучлилиги.

3. Либерал сиёсий тартиб (асли латинча сўз бўлиб, озодлик демакдир) – бу сиёсий тартибнинг шундай бир шаклики, шахсга нисбатан давлат йўли билан ва ижтимоий йўл билан мажбур этишнинг бир қадар юмшашини англатади. Инсон ҳуқуқларини, Ҳокимиятни бўлинишини, ишни ўз ихтиёри билан танлаб олишни ва эркин рақобатни, сабр-қаноатни (толерантлик) ва бошқаларни эътироф этади.

4. Демократия (юнонча сўз бўлиб, халқ ва Ҳокимият демакдир) – халқни Ҳокимият манбаи деб эътироф этишга, халқнинг давлат ишларини ҳал этишда иштирок этиш ҳуқуқларига асосланган ва айни вақтда фуқароларга кенг қўламда ҳуқуқлар ва эркинликлар бериб қўйиладиган давлат туридир.

Шунга биноан демократияга икки хил ёндашув мавжуд:

а) Ҳокимиятни руёбга чиқаришда халқнинг иштирокини таъминлаш;

б) сиёсий тартиб халқнинг манфаатларини ва эҳтиёжларини руёбга чиқаради. Шунга кўра давлат қурилишининг шакллари фарқлайдилар: Ҳокимиятни қўшиб олиб бориш ёки бўлиш, давлат ва жамият ўртасидаги нисбат, кўпчилик билан камчилик ўртасидаги нисбат ва ҳоказо.

Бевосита демократия (халқ хоҳиш – иродасининг тўғридан-тўғри ифода этилиши) – сайловлар, халқ сўровлари (референдум ва бошқалар) ва вакиллик демократияси, Ҳокимият жамият назорат қилиб турадиган Ҳокимият идоралари орқали ва буларда халқ вакилларининг иштироки билан амалга ошади.

5. Охлократия (оломон Ҳокимият). Бу сиёсий режимнинг тенг ҳолатидир, бу ҳолда аслида Ҳокимият бўҳронга йўлиқади.

АҚШ давлат ҳокимиятининг тизими. АҚШ – парламент тусидаги ҳокимият бўлишининг яққол намунасидир, бу давлатда ана шу унсурлар мувозанатни сақлайди.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятни конгресс ва легислатуралар (штатларнинг қонун чиқарувчи йиғилишлари) амалга оширади. Конгресс таркибига сенат киради. Унга олти йил муддат билан 100 киши сайланади, ҳар икки йилда сенаторларнинг учдан бир қисми янгиланиб туради, сенат таркибидаги вакиллар палатасига икки йил муддатга 435 киши сайланади, унга сайлов президенти сайлангандан кейин бир йил ўтгач ўтказилади. Конгрессда фақат икки партия (фракция) бор. Анъанага кўра, бу демократик тартибдир (1826 йилдан бери ишлайди, рамзи эшакдир) ва республикачилар партияси (1854 йилдан бери иш кўради, рамзи фил) дир. Вакиллар палатаси мажлисларни оқсоқол (спикер) олиб боради. У кўпчилиликни ташкил этган партия вакилидир.

Президент ижроия ҳокимиятни ижроия ҳокимият маҳкамаси (вице-президент, президентнинг ижрочи бошқармаси, вазирлар маҳкамаси – 15 та вазирлик бор) ёрдамида амалга оширади. АҚШ президенти жуда катта ваколатларга эга. Бир ўзи ҳам давлат бошлиғи, ҳам ҳукумат бошлиғи бўлиб, тўрт йил муддатга сайланади, лекин икки муддатдан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

Суд ҳокимияти – АҚШ да ягона суд тизими йўқ, федерал суд ва штатларнинг судлари иш кўради. Конституция суди Олий суд бўлиб (унинг аъзолари бутун умрга тайинланадилар), давлатда сиёсий адлиявий давлатга эга. Штатларда маслаҳатчи (присяжный) судлар ишлайди.

Лоббизм – сиёсий тизимнинг ўзига хос муддаоси бўлиб, давлатда қарорлар қабул қилиш жараёнига таъсир этиб туради. Лоббистларни рўйхатга олиш, улар қайси томоннинг манфаатлари юзасидан вакиллик қилаётгани ҳақида ахборот бериб туришлари шартдир. АҚШдаги ҳокимиятнинг асосий муддаоси қуйидагича: фақат қудратли ҳокимиятгина америка халқининг эҳтиёжларини қондириш мумкин.

Лекин мазкур ҳокимият жамиятга ўз қадриятлари тизимини тикиштириш даражасида қудратли бўлмаслиги керак.

Буюк Британиядаги давлат ҳокимияти тизими – конституцияли монархия. Расман (1952 йилдан) олий ҳокимият қиролича қўлидадир, у ўзига хос Британия жамияти бирлиги рамзидир. Парламент жаҳонда энг кекса парламент бўлиб, унга 1215 йилда асос солинган. У қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг бетўхтов ишловчи идорасидир.

Лордлар палатасидан (1 мингдан кўпроқ мэр бор) ва сайлов натижаларига кўра тузиладиган жамоалар палатаси (650 киши) дан иборат. Жамоалар палатасининг оқсоқоли бирор бир партия номидан гапирмайди. Буюк Британияда икки партияли парламент тизими қарор топган (консерваторлар партияси – тори 1867 йилда, лейбористлар партияси – 1900 йилда расмийлаштирилган). Ижроия ҳокимият бош вазир ва вазирлар маҳкамасидан иборат. Сайловда ғолиб чиққан партия бошлиғи бош вазир бўлади.

Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг ташкил топиши – Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, сенат аъзоларидан (сенаторлардан) иборат. Унинг аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жуқори Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг

миқдорда олти кишидан сайланади. Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси, фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган, ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Республика Президенти лавозимида камида 35 ёшда бўлган, давлат тилини яхши биладиган, Ўзбекистон ҳудудида сайловгача бўлган муддатда камида 10 йил муқим яшаган республика фуқароси Президент этиб сайланиши мумкин.

Бир шахс сурункасига икки муддатдан кўпроқ Республика Президенти этиб сайланиши мумкин эмас. Президент республика фуқаролари томонидан ялпи тенг ва бевосита сайлов ҳукуки асосида яширин овоз бериш йўли билан етти йил муддатга сайланади.

Вазирлар Маҳкамаси таркибини Республика Президенти тузади ва уни Республика Олий Мажлиси тасдиқлайди. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (шаҳарлар таркибига кирадиган туманга бўйсунувчи шаҳарлар бундан мустасно) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари кенгашлари ҳокимиятнинг ваколатли идораларидир.

Республикада суд ҳокимияти, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритилади. Суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Суди, Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноат ишлари бўйича Олий судлари, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий ва хўжалик судларидан иборат.

Адабиётлар:


1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: «Ўзбекистон», 2003.
2. Каримов И. А. Ватанизмнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч қудратимитзга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004.
3. Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз- жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т.: «Ўзбекистон», 2005.
4. И. А. Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. -Т.: «Ўзбекистон», 2005.
5. И. А. Каримов. Қонун ва адолат устивор фаолиятимиз мезони бўлсин. Халқ сўзи, 2004 йил, 2 июн.
6. Каримов И. А. Халқ ишончини оқлаш- юксак маъсулият. Халқ сўзи, 2005 йил, 23 август
7. Азизхўжаев. А. А. Давлатчилик ва маънавият. - Т.: «Шарқ», 1997.
8. Гаджиев К. С. Введение в политическую науку. - М. 1997.
9. Галкин А. Мир как система. - «Полис», 1998, №4.
10. Отамуротов С., Эргашев И., Акрамов Ш., Сиёсатшунослик. - Т.: «Ўзбекистон», 1999.
11. Сиёсатшунослик. Маърузалар матни. (муаллифлар жамоаси)- Т., 2000.
12. Дубков В. Политология. Учебное пособие. 2004.
13. Кирғизбоев. М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. - Т. «Шарқ», 1998.
14. Ислом Каримов- Ўзбекистоннинг биринчи Президенти. - Т.: «Ўзбекистон», 1997.
15. Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. Т.: «Академия нашриёти», 2005.

9 – МАВЗУ: Сиёсий ҳаёт ва кўппартиявийлик.

Режа:

1. Сиёсий партия тушунчаси. Сиёсий жараёнларда сиёсий партияларнинг ўрни.
2. Партияларнинг классификацияси. Партиявий тизим.
3. Ўзбекистонда сиёсий партиялар, уларнинг сиёсий мақсадлари.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ



Таянч иборалар:

Сиёсий партия, сиёсий партияларнинг классификацияси, сиёсий партиялар функциялари, партиявий тизим, сиёсий ҳаракатлар, Ўзбекистондаги сиёсий партиялар, парламент, ҳокимият вакилликлари, партия фракциялари, партия ташкилотлари.

Сиёсий партиялар функциялари – жамоатчилик фикрини шакллантириш, сиёсий фаолиятда иштирок этиш, фуқаролар сиёсий фаоллигини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, сиёсий маданиятни ошириш, парламент ва ҳукумат фаолиятига сиёсий мақсадлари орқали таъсир кўрсатиш, давлат олдида турган мақсадларнинг шаклланиши ва амалга оширишда фаол иштирок этиш, фуқаролар, тарафдорлари, муайян ижтимоий қатлам манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида давлат ҳокимиятидан муайян ўрин олиш мақсадида сайловларда иштирок этиш ва курашиш.

Сиёсий плюрализм-сиёсий назариялар ва қарашлар, муносабатлар ва ташкилотларнинг турли-туманлиги.

Сиёсий кураш- муайян сиёсий мақсадларга эришмоқ учун турли сиёсий кучларнинг ўзаро муносабати ифодаланган энг муҳим ходиса, сиёсий ҳаётнинг энг муҳим жиҳати.

Замонавий сиёсий партиялар тараққиётининг асосий йўналишлари:-

- 1.Партиялардан сиёсий ҳаракатларга ўтиш,
2. Оммавий партиялар мавқеи ва сонининг камайиши.
3. Популизмга ўтиш,(турли сиёсий қарашдаги ва диний эътиқоддаги сиёсий кучларнинг бирлашуви).

Халқ фронтлари- халқ оммаси ва оммавий- сиёсий ҳаракатларнинг бутун жамиятга дахлдор бўлган ёки кўпчилик ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини акс эттирадиган муаммоларни ҳал этиш бўйича уюшуви. Улар умумдемократик тамойиллар асосида тузилади ва ишлайди. Ташкил этиш ва аъзоликнинг қатъий белгилаб қўйилган шакли бўлмайди.

Халқ фронтларининг бир неча турлари бор:

1.Жамиятда туб ўзгаришлар содир бўлаётган босқичда мазкур жамиятдаги сиёсий кучларнинг майдонга чиқиши ва шаклланиши жараёнида юзага келадиган ва ишлайдиган халқ фронтлари. Осиё ва Африка мамлакатларида миллий озодлик ҳаракати чоғидаги халқ фронтлари фаолияти бунга мисол бўла олади. Асосий тенденция қўйидагича: ижтимоий гуруҳларининг сараланиши ва сиёсий партиялар вазифаларининг ўзгариши жараёнида ажраб чиқиш ёки фронтлар негизида илғор партиялар ва бир партияли тизимларнинг юзага келиши. Салбий оқибат: авторитар режимларнинг оёққа туриши ва ҳокимиятни эгаллаб олиши.

2.Муштарак аҳамиятга молик вазифаларни ҳал этиш, мазкур партиялар сиёсий таъсири етарли бўлмаган шароитда ҳокимиятни қўлга киритиш учун партиялар ташаббуси билан тузиладиган халқ фронтлари, 80-йилларда собиқ иттифокда тузилган халқ фронтлари бунга мисол бўла олади. Тенденциялар қўйидагича: вазифалар бажарила бўлгани сайин фаолиятни тўхтатиш, янги тизим буғинларининг ажралиб чиқиши ёки фаолиятнинг бошқача тамойиллари негизида партияларни қайтадан тузиш, фронтлар раҳбарларининг найрангбозлиги оқибатида фронтларнинг тарқаб кетиши ва шунга ўхшашлар.

Халқ Демократик партияси- 1991 йил ноябрда ташкил топган. 2004 йил 26 декабрда бўлиб ўтган республиканинг икки палатали парламентга сайловларда муваффақиятли иштирок этди. Қонунчилик палатасида 28 депутатдан иборат фракцияси тузилди, Аслиддин Рустамов фракция раиси этиб сайланди.

Партиянинг дастурига кўра унинг мақсади - ҳар бир оилада моддий ва маънавий тўқинликни таъминлаш, тенг имкониятлар яратиш, ҳар бир кишининг конституцион ҳуқуқлари ва фуқаролик эркинликларини ҳимоя қилиш ва тенгликни таъминлаш .

«Адолат» социал-демократик партияси-1995 йилда ташкил топган. Партиянинг бош мақсади - социал интеграцияни таъминлаш, жамиятнинг турли қатлами орасидаги

муносабатларни яхши йўлга қўйиш, давлат ва ижтимоий институтлар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш ва ҳ.к.з.

Бундан ташқари экология муаммоларини ҳал қилиш, атроф-муҳит ҳамда инсон соғлиғига салбий таъсир кўрсатувчи манбаларни бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор бериш партиянинг муҳим вазифаларидан бири. «Адолат» социал- демократик партияси Қонунчилик палатасида 11 депутатдан иборат фракцияга эга бўлиб, унга Д.Тошмухамедова раҳбарлик қилмоқда.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал - демократик партияси - умуммиллий сиёсий ташкилот бўлиб, 2003 йил ноябрда ташкил топди. Партия мулкдорлар қатлами, кичик бизнес, фермерлик ва деҳқон хўжаликлари вакиллари, ишлаб чиқаришнинг юқори малакали мутахассислари ва бошқарув ходимлари, ишбилармонлар манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади. Қонунчилик палатасида партия ўзининг 41 депутатдан иборат фракциясига эга бўлди.

Фракцияга раислик Адҳам Шодмонов томонидан амалга ошириляпти.

«Миллий тикланиш» миллий демократик партияси – 1995 йил ташкил топган бўлиб, унинг асосини зиёлилар ташкил этади. Миллатнинг маънавий бирлиги, кучли демократик давлат, миллий кадриятлар, илмий-техник прогресс, жаҳон ҳамжамиятига кириш, миллий прогресс каби устувор йўналишлар амалга оширилиши- партиянинг бош мақсади. Бугунги Парламентда партиянинг Хуршид Дўстмухамедов бошчилигидаги 11 депутатдан иборат фракцияси фаолият кўрсатмоқда.

«Фидокорлар» миллий демократик партияси – 1999 йил ташкил топган. Партиянинг бош мақсадлари - эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш, демократик давлат қурилиши, республиканинг прогрессив ривожланишини таъминлаш, аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш, жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг муносиб ўрнини таъминлаш ва ҳ.к.з.

Қонунчилик палатасида партия ўзининг 18 кишилиқ фракциясига эга. Фракцияга Ахтам Турсунов раҳбарлик қилмоқда.

Адабиётлар:

- 1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.- Т.: «Ўзбекистон», 2003.
- 2.Каримов И. А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч қудратимизга, халқимизнинг ҳамжихатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004.
- 3.Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз- жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир.-Т.: «Ўзбекистон», 2005.
- 4.Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. –Т.: «Ўзбекистон», 2005.
- 5.Каримов И.А. Қонун ва адолат устивор фаолиятимиз мезони бўлсин. Халқ сўзи, 2004 йил, 2 июн.
- 6.Каримов И.А. Халқ ишончини оқлаш- юксак маъсулият. Халқ сўзи, 2005 йил, 23 август
- 7.Азизхўжаев. А. А. Давлатчилик ва маънавият.- Т.: «Шарқ», 1997.
- 8.Гаджиев К. С. Введение в политическую науку.- М. 1997.
- 9.Галкин А. Мир как система.- «Полис», 1998, №4.
10. Отамуротов С., Эргашев И., Акрамов Ш., Сиёсатшунослик.- Т.: «Ўзбекистон», 1999.
11. Сиёсатшунослик. Маърузалар матни. (муаллифлар жамоаси) – Т., 2000.
12. Дубков В. Политология. Учебное пособие. 2004.
13. Кирғизбоев. М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар.- Т. «Шарқ», 1998.

МУНДАРИЖА

1.	1 – МАВЗУ: Сиёсатшунослик фани. Сиёсатшунослик фанининг сиёсий фанлар тизимида тутган ўрни ва роли	4
2.	2 – МАВЗУ: Сиёсий қарашлар ва таълимотлар вужудга келиши,	9
3.	уларнинг ривожланиши.....	9
4.	3 – МАВЗУ: МАРКАЗИЙ ОСИЁДА СИЁСИЙ ФИКР ВА ҒОЯЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....	16
5.	4 – МАВЗУ: СИЁСАТ ВА СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР.....	21
6.	5 – МАВЗУ: ЖАМИЯТНИНГ СИЁСИЙ ТИЗИМИ.....	25
7.	6 – МАВЗУ: ДЕМОКРАТИЯ. ДЕМОКРАТИЯНИНГ АСОСИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ.....	37
8.	7 – МАВЗУ: МУСТАҚИЛЛИК ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТГА ЎТИШ ЖАРАЁНИ.	43
9.	8 – МАВЗУ: СИЁСИЙ ҲОКИМИЯТ.	53
10.	9 – МАВЗУ: СИЁСИЙ ҲАЁТ ВА КЎППАРТИЯВИЙЛИК.	59